O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 1-mart, shanba | № 17 (7522)

# СЎЛИМ НАВБАҲОР



*Кўнгиллар кўнгилдан*
*сув ичар бўлди,*
*Юраклар ажиб бир*
*туйғуга тўлди.*
*Гул каби очилиб*
*чеҳралар кулди, —*
*Ташрифинг муборак,*
*сўлим Навбаҳор!*

*Бир зумда гўзаллик*
*маҳлиё этмиш,*
*Яна куй-наволар*
*оламни тутмиш,*
*Соғинчлар чокидан*
*сўкилиб кетмиш,*
*Ташрифинг муборак,*
*сўлим Навбаҳор!*

*Яна дилбар бўлиб*
*тонглар отажак,*
*Энг сара орзулар*
*қанот қоқажак,*
*Сен билан бошланар*
*нурли келажак,*
*Ташрифинг муборак,*
*сўлим Навбаҳор!*

*Не ажаб, булбулга*
*шеър айтсам бу кун,*
*Юртимда келинчак*
*фаслидир бугун.*
*Сени қутлагаймиз*
*дил-дилдан бутун, —*
*Ташрифинг муборак,*
*сўлим Навбаҳор!*

***Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,***
***Тошкент давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси***

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЮҚОРИ ПОҒОНАГА ҚАНДАЙ ЧИҚИЛАДИ?
3-бет

“ОНАМ ҚИРҚ ЙИЛ МУАЛЛИМЛИК ҚИЛГАНЛАР”
5-бет

КАСБГА КИМ, ҚАНДАЙ ЙЎНАЛТИРАДИ?
6-бет

ҚЎҒИРЧОҒИНИ УРАЁТГАН ҚИЗАЛОҚ
*у буни кимдан ўрганади?*
7-бет

ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИШ
8-бет

СОВҒА ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?
9-бет

НОМУСНИНГ КИЙИМИ
11-бет

АЛКИМЁГАР
*роман*
12-бет

РОССИЯ: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ
13-бет

“МАШҲУРА” КРОССВОРДИ
16-бет

## SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

### OQSAROYDA QABUL

**Mamlakatimiz rahbari Islom Karimov Hindiston mudofaa vaziri Jorj Fernandesni qabul qilib, O‘zbekiston-Hindiston munosabatlari jadal rivojlanib borayotganligidan mamnunligini izhor etdi.**

### SEMINAR

**Fan va texnologiyalar markazida bo‘lib o‘tgan 2001-2002 yillarda Respublikada amalga oshirilgan innovatsiya loyihalarining natijalariga bag‘ishlangan yig‘ilishda ularning ijrochilari — ilmiy tadqiqot institutlari, ilmiy markazlar, oliy o‘quv yurtlari olimlari va mutuxassislar hamda ist‘emolchi vazirliklar, xolding kompaniyalari, uyushmalar, yirik korxonalar vakillari ishtirok etishdi.**

### GRANT SOG‘LIQNI SAQLASHGA

**O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirligining respublika onkologiya markazi antimitotik preparatlar laboratoriyasi tomonidan qo‘lga kiritilgan o‘smaga qarshi dorilarni ishlab chiqish uchun fan va texnologiyalar markazi granti olimlarga tibbiyot amaliyotida dekosin preparatini joriy qilish borasidagi ishlarni yanada samarali davom ettirish imkonini beradi.**

## *Seminar-trening*

# ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ — ДАВР ТАЛАБИ

*Яқинда Хўжаобод туманидаги 16-ўрта мактабда БМТнинг болалар жамғармаси ЮНИСЕФ ёрдамида глобал таълимни жорий этиш бўйича уч кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинар-тренинг Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси ҳамда Республика таълим маркази томонидан ташкил қилинди.*

*Семинар-тренинг қандай натижа берди? Энг аввало, ўқитувчиларни ўқитишнинг янги — ҳозирги замон талаби даражасидаги илғор методикалар билан қуроллантирди. Эътиборлиси, иштирокчиларга таълим-тарбиянинг ўйин, баҳс, мунозара, маълумот йиғиш, далил тўплаш, исботлаш, ҳаётга татбиқ қилиш йўллари ҳамда ривожланган Европа давлатлари методларини ўзимизнинг миллий урф-одатлар, анъаналар билан уйғунлаштириш орқали ўқувчиларнинг ёшига мос ва хос ҳолда қизиқарли қилиб қўллашнинг йўл-йўриқлари ҳам ўргатилди.*

*Хуллас, семинар-тренингда иштирок этган ўқитувчилар ўрганган билимларини биринчи дарсларидаёқ амалда қўллай бошладилар.*

***О.СИДДИҚОВ,***
***Андижон вилояти***

*O‘quvchilarni kitoblar olamiga, kutubxona quchog‘iga yetaklayman. Uning samarasini ko‘rganda esa mendan baxtli odam bo‘lmaydi.*



# МАҲАЛЛАЛАР ОБОД БЎЛАДИ

2003 йилнинг “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши эълон қилинди.

Унга кўра, 2003 йил март ойида республикада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилиши белгилаб қўйилди. Бу борада республика “Маҳалла” жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари юклатилди.

*Farmoyish*

Режада ойликни ўтказиш тадбирларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ўқув юртлари, барча аҳолининг кенг иштирок этиши кўзда тутилиши лозимлиги айтилган. Савдо, умумий овқатланиш объектларида, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва мактабларда, жамоат транспортида, бозорларда, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги ичимлик сув таъминоти манбаларида санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш юзасидан белгиланган тартибда рейдлар ташкил этиш; кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи ва йўлакларини, ариқлар ва лотокларни, канализация қудуқларини, ахлатларни тўплаш ва ташиб кетиш майдончаларини, болалар ва ўйин майдончаларини тартибга келтириш; турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда кўчатлар ўтқазиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва ташиб кетиш ҳам режада назарда тутилиши белгиланган.

Фармойишда 2003 йил 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил қилиб, ундан тушган маблағни Республика “Маҳалла” жамғармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказиш белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу Фармойиш маҳаллаларимиз ободлиги, халқимиз ҳаёти фаровонлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

*Tashrif*

# ЭЛЧИ – МАКТАБГА КЕЛДИ

*Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато Жиззах вилоятига ташриф буюрди. Ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад —вилоятдаги таълим муассасаларини кўздан кечириш эди. Чунки Зарбдор туманидаги 2 та болалар муассасаси — заиф эшитадиган ва кар болалар мактаб-интернатларига Япониянинг кичик миқёсдаги лойиҳалари бўйича —2002-2003 йилларга мўлжалланган 166500 АҚШ доллари миқдорида грант берилган эди. Ўтган вақт мобайнида мазкур мактабларда ичимлик суви билан таъминлайдиган иншоотлар ишга тушди. Кар болалар мактабининг биноси тўлиқ таъмирланди. Жаноб Акио Кавато ушбу грантнинг асосида қилинаётган ишлардан тўла мамнун эканлигини маълум қилди.*

*Элчи жанобларини Жиззах вилояти ҳокими У. Яманқулов қабул қилди. Қабул чоғида бошқа соҳалар қатори вилоятда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар хусусида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Вилоятнинг диққатга сазовор жойлари, таълим-тарбия масканларидаги ижобий ўзгаришлар элчига манзур бўлди.*

***МУХБИРИМИЗ***

# ЭЛЧИНИНГ ТАШРИФИ

**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университетининг Халқаро журналистика факультетида Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато билан учрашув бўлиб ўтди.**

**Элчининг бу мулоқотни ўтказишидан асосий мақсади япон тилида ўқиётган талабалар билан яқиндан танишиш, япон тилида ўқитиш учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечириш ва камчиликлар бўлса ёрдам беришдан иборат.**

**Мулоқот давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.**

**Шунингдек элчи юртимизда юритилаётган таълим ислоҳотлари тўғрисида ўз фикрларини билдирди.**

*Нигора ЎРАЛОВА*
*талаба*

*Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 181-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Арзиматова кўп йиллардан буён ёш авлоднинг фикр куртаклари очилишига хизмат қилиб келаётир. У ҳар бир ўқув йилида ўзига хос ноанъанавий усуллар билан ўқувчиларни дарсига янада қизиқтиришга интилади. Шу боис Н.Арзиматова жорий ўқув йилидан бошлаб, синов тариқасида олти ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериб келмоқда.*

*Суратда: Н.Арзиматова олти ёшли ўқувчиларга навбатдаги дарсни ўтмоқда.*

*Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат*

# ҚАДР ТОПГАН ҚАДРИЯТ

**Маҳалла бизда қадимдан шаклланиб келган ўз-ўзини бошқаришнинг мукаммал механизмидир. Мустабид тузим даврида у узоқ йиллар эътибордан четда бўлиб келди. Энди эса унга эътибор берадиган, унумли жиҳатларидан тўла-тўкис фойдаланадиган вақт келди.**

**Бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда “Обод маҳалла йили”га бағишланган тарғибот ва ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири ТВПҚТМОИда бўлиб ўтди.**

**Унда институт ректори Э.Сатторов, Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси раиси А.Гадойбоев, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари А.Болиев, “Оила” илмий-амалий маркази директори В.Каримова, ТВПҚТМОИ катта ўқитувчиси М.Нурматовалар “Обод маҳалла йили”да амалга оширилажак ишлар ва эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритишди.**

**Аксарияти ўқитувчилардан иборат бўлган тингловчилар ушбу анжуманда, республикамиз ҳудудида 10000 га яқин маҳалла мавжудлиги ва уларга 37 та жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам бераётганлиги ҳақида атрофлича маълумот олдилар.**

**Анжуман сўнгида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.**

***МУХБИРИМИЗ***

# БИЛМАЙСИЗМИ, КУТУБХОНА ҚАЕРДА?

**“Ma'rifat”, 2003 йил 12-сон**

*Мақолада теран ва мулоҳазали фикрлар илгари сурилган. Дарҳақиқат, биз катталар болалар китобхонлиги муаммоларини ўйлаб кўрмас эканмиз, маънавияти юксак, баркамол авлод тарбиялаш борасида амалга ошираётган ишларимиз пировардида самарасиз кечаверади. Фарзандларимизни оилада ҳам, мактабда ҳам кутубхонага жалб этиш ишларини кучайтиришимиз керак. Мутахассис сифатида тажрибамдан мисол келтирсам. Кўнгилларни гўзалликка, муҳаббатга ошно этган Қодирийнинг “Меҳробдан чаён”, “Ўтган кунлар”и, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, А.П.Чехов, Л.Н.Толстой асарларидан кичкина парчани ҳикоя қилиб берганимда, болаларнинг эртасига шу китобларни кутубхонадан сўраб борганини эшитиб, хурсанд бўламан. Кутубхонада бўлмаса ҳам улар талабини қондиришга ҳаракат қиламан. Ўзим касб-ҳунар коллежи кутубхонасида ишлаш билан бир қаторда мактабда ўқувчиларга эстетика фанидан сабоқ бераман ва албатта, шу имкониятдан фойдаланиб ўқувчиларни китоблар оламига, кутубхона қучоғига етаклайман. Унинг самарасини кўрганда эса мендан бахтли одам бўлмайди.*

***Нодира ВАХОБОВА,***
***Ангор туман қишлоқ хўжалик коллежи ўқитувчиси***

*Aks-sado*

# ТАЛАБА ЎЗИ УЧУН ЎҚИЙДИ

**(“Ma'rifat”, “Талаба маъруза тинглаши шартми?” 2003 йил, 18 январь)**

Маълумки, талабалардан ўқитилаётган фанларга нисбатан масъулиятни ошириш, ўз билимини мунтазам мустаҳкамлаш, илмий адабиётлардан кенг фойдаланиш талаб этилади. Айни вақтда профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги соғлом муносабатни шакллантириш олий таълимнинг асосий мақсадидир. Шу ўринда таъкидлаш лозим: талаба ўз мутахассислиги бўйича маъруза ўқиш, амалий ва тажриба дарсларини ўташ, мустақил таълим билан шуғулланиши керак. Талаба билимини рейтинг тизими орқали баҳолашда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаганлиги, топшириқларга ижодий ёндошганлиги, мустақил фикрга эга эканлиги, илмий адабиётлардан кенг фойдаланганлиги ҳисобга олиниши ҳам муҳим. Бунинг учун эса таълим олувчи ва берувчи томонлар масалага жиддий ёндошишлари шарт.

Юқоридаги шартларни ҳар бир ўқитувчи аввало ўзидан, кейин эса талабадан талаб этса, у маъруза тинглашдан бош торта олмасди. Нега?

Биринчидан, талаба маърузадан маълум йўналиш, тушунча ва топшириқ олади. Иккинчидан, рейтинг балларини ҳисоблашда талабанинг ўқув машғулотларидаги фаоллиги, мустақил ишларни бажарганлиги, ижодий фикри, дарсларга қатнашиш даражаси ҳам ҳисобга олинади. Демак, унинг олдида биринчи навбатда маърузага қатнашиш, унга келишдан олдин илмий адабиётлар билан мустақил танишишдек зарурий топшириқ туради. Бу усул эса ўз-ўзидан маърузани баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтишига замин тайёрлаш билан бир қаторда, талабаларнинг дарсга қатнашиши, фанга қизиқиши, фикрларининг бойишини таъминлайди. Бу ҳолатда аксарият талабаларда ўқитувчиларнинг баҳо қўйишига эътирозлари ҳам барҳам топарди.

***Ш.БЕГАШЕВА,***
***ТерДУ ўқитувчиси***

## *Tajriba, sinov, natija*

# ЮҚОРИ ПОҒОНАГА ҚАНДАЙ ЧИҚИЛАДИ?

## *ёхуд поғонали билим бериш усулининг афзалликлари хусусида*

Янгиликларга бой, ноанъанавий, ижодкорона ўтилган дарс тингловчига завқ бағишлайди. Яқинда Тошкент вилояти Оҳангарон туманига қарашли 12-мактабнинг география фани ўқитувчиси Турғунбой Мергановнинг "Ўзбекистон фойдали қазилмалари" мавзуидаги очиқ дарсида менда ана шундай ҳолат юз берди. 7-"А" синфда ўтказган очиқ дарсида ўқитувчи қатор янгиликлар қўллади.

Муаллим барча билан саломлашиб, йўқлама қилгач, ўтилган мавзулар юзасидан ўқувчилар эътиборига қуйидаги саволларни ҳавола қилди.

1. Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси билан энг паст нуқтаси орасидаги масофани харитадан аниқланг.

2. Тошкент вилоятини қандай тоғ тизмалари ўраб туради ва уларни харитадан кўрсатинг?

3. "Чиноз" билан "Бештор" чўққиси оралиғидаги масофа профилини чизинг.

4. Ўтилган мавзулар юзасидан тест саволлари.

Ихтиёрий равишда ўртага таклиф қилинган тўрт нафар ўқувчи саволлар ёзилган варақаларни олишди.

Биринчи савол бўйича М.Қаюмова жавоби тингланди. У синф ёзув тахтаси олдига чиқиб, "Ўзбекистон табиий харитаси"дан Ҳазрати Султон чўққиси ва Мингбулоқ ботиқларини топди. Уларнинг денгиз сатҳидан баландликларини аниқлади ва синф ёзув тахтасига ёзиб қўйди. Сўнгра улар орасидаги масофани ўлчаб, харита масштабига кўпайтириб, улар орасидаги масофани аниқлади.

Иккинчи савол ҳам ўқувчи С.Сафаров учун унчалик қийин бўлмади. У харитадан Тошкент вилоятини ўраб турган тоғларни топди ва номларини синф ёзув тахтасига ёзди. Учинчи саволга бир йўла бир неча нафар ўқувчи жавоблар тайёрлашди. Улар ичида Х.Йўлдошева ва С.Бердиевларнинг жавоблари тўғри ва аниқ бўлди.

Тўртинчи савол эса тестлар эди:

**1. Ўзбекистон билан бир кенгликда жойлашган давлатларни аниқланг:**

А. Куба, Полша, Украина.
Б. Туркия, Испания, Италия.
В. Грузия, Молдова, Австрия.

**2. Ўзбекистоннинг ер майдони қанча?**

А. 447,4 минг кв.км. Б. 474,4 минг кв.км. В. 444,7 минг кв.км.

**3. Ўзбекистоннинг маъмурий бўлиниши...**

А. 12+1 Б. 12+2 В. 12+3

**4. Ўлкамиз табиати тўғрисидаги дастлабки маълумотларни ким қолдирган?**

А. Герадот. Б. Страбон. В. Птолемей.

**5. Ўзбекистон ҳудудининг қанча фоизи текисликлардан иборат?**

А. 77,8 фоизи. Б. 78,8 фоизи. В. 78,7 фоизи.

**6. Ўзбекистондаги энг чуқур чўкма қайси?**

А. Мингбулоқ. Б. Қорахотин. В. Орол денгизи.

**7. Ўзбекистондаги энг баланд нуқта қайси?**

А. Бештор. Б. Катта Чимён. В. Ҳазрати Султон.

Бунда бир неча ўқувчилар олдиндан тайёрланган саволжавоблар варақасига юқорида берилган 20 дан ортиқ тест саволларини ишлашди. Улар ичида Х.Бойғозова, М.Отабекова, Ғ.Бўрибоев, А.Номозбоев, С.Қўшоқов, Т.Ҳамроев ва Ф.Ҳакимоваларнинг жавоблари тўғри бўлиб чиқди.

Дарвоқе, синф ёзув тахтасига ёзилган географик номлар ва тест саволлари ўқувчилар билан биргаликда қайтадан текшириб чиқилди ва хатолар тўғирланди. Асосийси, ўтилган мавзулар юзасидан тест саволларини биринчи ва иккинчи гуруҳлардан икки нафардан ўқувчи чиқиб, компьютерда ишлашди. Гуруҳидаги ўртоқлари билан биргаликда ўз хатоларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текширишди.

Уйга берилган вазифаларни ўқувчилардан сўрашда 11 ўқувчи фаол қатнашди.Шунингдек, синф ўқувчиларидан яна 18 нафари иштирок этди. Дастлабки саволларга атрофлича жавоб қайтарган М.Қаюмова, Х.Йўлдошева, С.Бердиев ва тестни биринчи бўлиб топширган 7 ўқувчи аъло, С.Сафаров эса яхши баҳо билан баҳоланди.

***Янги мавзу:* "Ўзбекистон фойдали қазилмалари"**

Мавзунинг аҳамияти:

1. Таълимий — Ўзбекистон ҳудудидаги фойдали қазилма конлари жойлашувини ўрганиш.

2. Тарбиявий — атроф муҳитга бўлган муносабатлар, экологик бузилишнинг олдини олиш, фойдали қазилмалардан унумли ва оқилона фойдаланиш.

3. Таълимий шакли — гуруҳларда ишлаш.

4. Таълим методи — тоифаларга бўлиш, топқирларни юқори поғонага олиб чиқиш, савол-жавоб.

5. Таълим воситалари — хариталар, диаграммалар, ЭҲМ, синф ёзув тахтаси.

Аслида ҳар қандай янги мавзуни бошлашдан олдин мақсад ва натижа қўйилади, чамаланади. Ушбу дарсда ҳам ўқувчиларга Ўзбекистоннинг фойдали қазилмалари ҳақида тушунча бериш, уларнинг жойлашиши, тарқалиш ҳудудларини кўрсатиш ва тушунтириш мақсади қўйилди.

Янги мавзу ўзлаштирилиши жараёнида ҳам ўқувчилар гуруҳларга бўлинди ва гуруҳ сардорлари ўқувчиларнинг ўз жойларига ўтириб олишини назорат қилди. Жараёнда биринчи гуруҳ вакиллари баҳамжиҳатликда Ўзбекистон табиий харитаси ва дарсликдан фойдаланган ҳолда контур хариталарга ёқилғи фойдали қазилмаларнинг шартли белгиларини туширишди ҳамда уларнинг номларини харитага ёзишди. Иккинчи гуруҳ эса қолган (қўрғошин, рух, мис, волфрам, олтин ва ҳоказо) фойдали қазилмаларни белгилашди. Учинчи гуруҳ эса дарсликдан ва харитадан фойдаланган ҳолда уларнинг жойлашувини бир-бирларига "Сен топ-чи?" ўйини орқали аниқлашди.

Яна бир гап. Ўтилган мавзу ўқитувчи иштирокида батафсил таҳлил қилинди. Саволларга қўшимча материаллар, жадваллар орқали жавоблар берилди.

Синфдаги 30 ўқувчининг 22 нафари баҳоланди — 8 ўқувчи аъло, 14 ўқувчи эса яхши баҳо олди. Янги биринчи гуруҳни 8 ўқувчи, иккинчи гуруҳни 14 ўқувчи ва учинчи гуруҳни 8 ўқувчи ташкил этди. Соддароқ тушунтирадиган бўлсак, фаол иштирок этган ўқувчилар биринчи (янги), дарс жараёнида иштирок этган, лекин синф ёзув тахтаси олдига ҳимояга чиқмаган ўқувчилар иккинчи, уларга нисбатан суст иштирок этганлар эса учинчи гуруҳ сафига кирдилар.

Дарс якунида барча ўқувчиларга уй вазифаси берилди. Жумладан:

1. Биринчи гуруҳ вакилларига дарсликдан ташқари ўтилган мавзуга алоқадор саволлар тузиб келиш.

2. Иккинчи гуруҳ вакилларига дарсликлардан тест саволлари тузиш.

3. Учинчи гуруҳ вакилларига эса асосий фойдали қазилмаларнинг жойлашуви ва номларини контур харитага ҳамда дафтарга ёзиб келиш вазифалари юклатилди.

Дарс ниҳоясига етганидан кейин машғулот моҳияти англандими, билиши керак бўлган географик объектлар, фойдали қазилмалар жойлашуви, улар орасидаги муносабатларни ўқувчилар қандай қабул қилди, мавзуида дарс муҳокамаси бўлиб ўтди.

— Натижалар чакки бўлмади, — деди ушбу мактаб илмий бўлим мудири Бахтиёр Эламасов. — Қарийб барча ўқувчилар Ўзбекистон фойдали қазилмалари конлари қаерда жойлашгани, улар қандай ном билан аталиши, фойдали қазилмалардан қандай фойдаланиш кераклиги, нотўғри ишлатилганда экологияга салбий қилиши тўғрисида асосли маълумотлар олишди ва нечоғли билим олганликларини амалда намоён қилишди.

Бунга қандай эришилди? Фикримча, ҳамкасбимиз Т.Мерганов дарсда бир неча янгиликларни қўллаб, ўқувчиларни мавзуга тўғри йўналтира билди.

— Жараёнда ўғил-қизларни дарсликлар, хариталар билан ишлашга ўргатиш, уларни фаолликка ундаш, тестларни қўллаш, маҳаллий материаллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди дарс кузатувчиларидан бири, Тошкент вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқитувчиси Сайёра Содиқова.

— Чунончи, бугун Турғунбой Мерганов дарсини кузата туриб, тамоман янги "Зинама-зина", яъни поғонали билим бериш усулини қўллагани гувоҳи бўлдим. Мазкур усулнинг афзаллиги шунадаки, бунда ўқувчининг ўзи синфдошларидан қолиб кетмасликка, уларга тенглашишга, кези келганда, ўртоқларидан ўзиб кетишга ҳаракат қилади. Бу — дўстона рақобат дегани ҳамдир.

Очиғи, айни кунда кўплаб ўқувчилар олдин(1-гуруҳ)га ўтишга интилишиб, дарсликлардаги тушунчаларни пухта ўзлаштиришаяпти, кутубхоналарга боришиб, жоиз адабиётларни мутолаа қилишгани қувонарли ҳолдир. Бир сўз билан айтганда, муаллим ўғил-қизларга оддий гуруҳлардан жиддий изланиш (супер) гуруҳига йўлланма бераяпти. Буни фақат қутламоқ керак.

—Муаллимнинг яна бир хислати шуки, у дарсларини ҳамиша кўргазмали қуроллар, қўшимча адабиётлар, ЭҲМ ва бошқа техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтади, — дейди мактаб раҳбари Бахтиёр Ўтбосов. — Семинар, ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, муаммоли конференция усулларида ўтказган дарслари ҳам самарали бўлаяпти. Изланувчан ўқитувчининг ўқувчилари ҳар йили учинчи босқич вилоят фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашишмоқда.

Дарвоқе, муаллим дарсдан ташқари олиб бораётган ишларга бош-қош бўлиш қаторида дарсларда маҳаллий материаллардан ҳам фойдаланиб бораётган экан. Асосийси, мактабда Чотқол, Қурама тоғлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида маълумотлар тўпланибди, гербарийлар йиғилиб, Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисида деворий газеталар ва стендлар чиқарилибди.

Ҳозирги кунда дарсларда олган билимларини мустаҳкамлаш учун ўқувчилар тоғу адирларга, дала ва қирларга сайрга олиб чиқилаяпти. Бунда муаллимга "Оҳангарон" ширкат хўжалиги раиси Шунқор Умрзоқовнинг кўмаги асқотаяпти, ўқувчилар транспорт билан таъминланаяпти. Ахир, қайси ҳомий, ё ота-она ўғил-қизларининг топқир, зукко, билимли бўлишини истамайди, дейсиз!.. Хуллас, ўқувчиларнинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшаётган фидойи муаллим Турғунбой Мергановнинг илғор тажрибаси, иш усуллари ҳар жиҳатдан ибратга моликдир.

***Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,***
***"Ma'rifat" мухбири***

## *Жон ХЁРБСТ:*

# ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФИДОЙИ ЮРТ

***Таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг замон талаблари даражасида такомиллашувини таъминлаш мақсадида юртимизда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларининг кўлами кенг. Эътиборлиси, тизимда йўлга қўйилган дўстона муносабатлар боис ҳар йили республикамизнинг энг чекка қишлоқларидаги ўқувчи ёшдан тортиб, мактаб ўқитувчисигача чет элда бўлиб, юрт таълим тизими, тарихи ва маданиятини ўрганиш имкониятига эга. Бу борада юртимизда мана етти йилдирки, фаолият юритиб келаётган АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти амалга ошираётган дастурларнинг аҳамияти катта. Бугунги кунга қадар 50 нафардан ортиқ ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг океанорти мамлакатида ўз билимларини ошириб қайтишларига замин ҳозирлаган***

## *Ta'limda hamkorlik*

***ташкилотнинг "Инглиз тили ҳамда АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аъло натижалари учун" дастури ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар кўламининг кенгайишига ҳисса қўшмоқда.***

***Яқинда Республика таълим марказида ана шу дастур бўйича танловнинг дастлабки босқичларида ғолиб бўлган 50 нафар ўқитувчини тақдирлаш ва кейинги босқич синовларига тайёрлаш мақсадида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни АҚШнинг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст очар экан, ўқитувчиларни бугунги муваффақият билан муборакбод этди.***

***—Ўтказилган танлов таҳлилларига қараганда, — дейди элчи жаноблари, — ҳеч бир вилоят йўққи, синовларда ўқитувчилари иштирок этмаган бўлса. Бу натижаларда ҳам акс этган. Айтиш жоизки, юртингиз ўқитувчилари фидойи.***

***Албатта, ўқитувчи зиммасида улкан масъулият бор. Бу эса ўқитувчидан ҳамиша изланиш талаб этади. Шу боис мазкур танловнинг ўтказилиши ва асосийси, ғолиб ўқитувчиларнинг АҚШ давлатида 6 ой давомида ўзи сабоқ бераётган фан бўйича чет эллик ҳамкасблари билан фикр алмашиб қайтишлари, халқ маданияти билан бевосита таниш бўлиши ўқувчилар билимида ҳам акс этиши шубҳасиз.***

***Баҳодир ЖОВЛИЕВ,***
***"Маърифат" мухбири***

*— Junior Achievement (JA) — bu qiziqarli darsliklar, mashqlar to‘plami, o‘qituvchilar uchun kitoblar, kompyuter dasturlari, shuningdek, bozor iqtisodiyotining murakkab qonunlarini o‘rganish jarayonini ijodiy o‘yinlarga boy qila oladigan zamonaviy va samarali o‘qitish usullaridir,*



# “ЁШЛАР ЮТУҚЛАРИ” — ЁШЛАРГА

**Taqdimot**

Мамлакàтимизда етти йилдан бери фаолият юритаётган “Ёшлар ютуқлари” (Junior Achievement of Uzbekistan) нодавлат-нотижорат ташкилоти шу давр мобайнида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларни ўқитиш учун дунёнинг 112 мамлакатида фойдаланилаётган иқтисодий таълим дастурларини амалга ошириб келмоқда. Мазкур ташкилот ташаббуси билан “Амалий иқтисодиёт” дарслиги ва машқлар тўпламининг ўзбек тилига таржима қилиниши эса, умумий ўрта таълим ўқувчиларининг “Иқтисодий билим асослари” ва “Иқтисодий назария асослари” дарслигига қўшимча тарзда янги маълумот бериши билан аҳамият касб этади.

Республика таълим марказида ўтган анжуманда “Ёшлар ютуқлари” ташкилоти билан РТМнинг етти йил мобайнида қилинган ҳамкорлик ишлари сарҳисоб қилинди. Унда япониялик профессор Шизо Като (JIKA ташкилоти) мамлакатимиз шароитига мослаштирилган “Амалий иқтисодиёт” қўлланмаларининг афзалликлари хусусида сўзлаган бўлса, ACCELS ташкилоти директори жаноб Эрик Жейкоб “Junior Achievement” дастурлари иқтисодиёт асосларини фаол ўзлаштиришнинг самарали воситаси экани тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашди.

— Junior Achievement (JA) — бу қизиқарли дарсликлар, машқлар тўплами, ўқитувчилар учун китоблар, компьютер дастурлари, шунингдек, бозор иқтисодиётининг мураккаб қонунларини ўрганиш жараёнини ижодий ўйинларга бой қила оладиган замонавий ва самарали ўқитиш усулларидир, — дейди “Ёшлар ютуқлари” ННТ директори, профессор Баҳодир Самадов. — Буларнинг ҳаммаси таълим жараёнини жадаллаштиришга имконият яратади ва ижодий фикрлашни ривожлантириб, ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди. Ташкилотимиз ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида 3-5 кунлик тренинглар ўтказиб, 800 нафарга яқин ўрта мактаб иқтисод фани ўқитувчиларига JA дастурлари асосида ўқитиш методлари ўргатилди. Бу ўқитувчилар ўз навбатида ҳар ўқув йили давомида 40000 нафарга яқин ўқувчиларга сабоқ бериши мумкин. Шунингдек, ўтган йилларда РТМ, ТШХТБ, ТШЎҚТМОИ “Ёшлар ютуқлари” билан ҳамкорликда пойтахтдаги 14 та ўрта мактаб ва 2 та академик лицейда JA дастурларидан фойдаланиш бўйича 9 босқичга бўлинган ҳолда бутун ўқув йили давомида тажрибасинов ўтказилди. Халқ таълим тизимидаги юқори ташкилотлар вакилларидан иборат нуфузли комиссия мазкур тажриба-синовнинг ўтказилиш савиясига юқори баҳо берди. Шу боис JA дастурларидан Ўзбекистонда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

РТМ бош методисти Учқун Хомутов ва ТДИУ профессори Нутфулла Хўжаевлар эса, мамлакатимиз таълим муассасаларида иқтисод фанини ўқитишда ушбу ёрдамчи дарсликдан фойдаланишнинг интерфаол методлари ҳамда материаллари аҳамиятини айтиш баробарида мазкур дарслик ва машқлар тўпламининг юртимиз шароитига мослаштирилган ҳолда таржима қилинганини таъкидлашди.

***Шерали НИШОНОВ,***
***“Ma’rifat” мухбири***

***Ҳар йили анаънавий ўтказилиб келинаётган Республика фан олимпиадаларида қатнашиш учун ҳар бир таълим муассасидан кучли билимга эга бўлган ўқувчилар танлаб олинади.Ана шу ўқувчилар эса ишончни оқлаш учун ҳаракат қиладилар.***

***Суратда:Тошкент туманидаги ихтисослашган мактаб директори Меҳнатбой Акрамов Фан олимпиадасининг вилоят босқичида ғолиб чиққан ўқувчилар билан суҳбатлашмоқда.***

***Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.***

# ЖАЖЖИ БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ

**Tanlov**

Юнусобод туман халқ таълими бўлими томонидан туман умумий ўрта таълим мактабларида хат-савод чиқараётган бошланғич синф ўқувчиларининг қобилиятини аниқлаш учун фан олимпиадасини она тили, математика фанлари ҳамда шеърхонлик ва ҳуснихат бўйича фан беллашувлари ўтказилиб келинмоқда.

Жажжи билимдонлар 1-синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган мушоираларда М. Акбарова (274-мактаб), А. Сайдиев (105-мактаб)лар иқтидори юқори баҳоланган бўлса, 4-синф ўқувчилари ўртасида М.Зокирова (327-мактаб), Г. Зайниддинова (274-мактаб)ларнинг ижод намуналари ҳар томонлама ғолибликка муносиб топилди. Ёш математиклар ўртасида эса 17-мактабнинг 4-синф ўқувчиси У.Назаров ҳамда 9-мактабнинг 3-синф ўқувчиси М. Абдуллаева тенгдошларига қараганда юқори натижалар кўрсатишди. 5-мактабнинг 4-синф ўқувчиси А.Аббосовнинг ҳуснихати эса энг чиройли, деб тан олинди. Ушбу кўрик-танловнинг рус гуруҳларида ўтказилган баҳсларда эса умумий ҳисобда 17-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари энг юқори кўрсаткични қайд этишди.

Ғолиб ўқувчиларни фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш маросимида уларнинг устозлари ҳам халқ таълими бўлими томонидан бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирилганлиги эътиборли бўлди.

***Гули КЕЛДИЁРОВА***

**Qaror va ijro**

# ИККИ АНЖУМАН

Самарқанд кооператив институтида ўтказилган “Савдо фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши” мавзусидаги илмий-амалий семинарда Вазирлар Маҳкамасининг 407-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олишди.

Ҳасан МУСАЕВ,
Самарқанд кооператив институтининг илмий ишлар бўйича проректори

тимоий-сиёсий барқарорлик мамлакат ва жамият ривожланишининг муҳим шартидир” мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман уюштирилди. Профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, маҳалла инспекторлари билан биргаликда Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, Боғишамол тумани ҳокимияти, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари таклиф қилинган бу анжуман ҳам ижобий натижани беради.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарор мазмуни билан яқиндан танишган иштирокчилар ундан келиб чиқадиган ўз вазифаларини белгилаб олишди.

до фаолиятини янада яхшилаш, нақд пул-валюта ҳисоб-китобларини, бож тўловлари, солиқларни такомиллаштириш, хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришдаги муаммолар кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, институт ректорати ва Самарқанд шаҳар Боғишамол туман ҳокимлиги ташаббуси билан яна бир йиғин — “Хафсизликни таъминлаш, ижт

# БАРЧАГА САБОҚ БЎЛГАН БАҲС

**Тарих — сабоқ. Зотан, ўтмиш зарварақлари қатига битилган ҳар бир кун ибрат. Бугунги ўқувчи боболари тарихини нақадар теран англаяпти-ю, ундан чиқарган хулосалари қандай?**

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактабда бўлиб ўтган ўқувчилар ўртасидаги “Сиз тарихни биласизми?” кўрик-танловининг туман босқичи беллашувларидаёқ биз ушбу саволларга жавоб топгандек бўлдик. Дастлабки босқичларда ғолиб топилган 7 та жамоа иштирок этган мазкур билимлар баҳсида ҳар бир гуруҳ Ватанимиз тарихи, ота-боболаримиз ўтмиши хусусидаги билимларининг нақадар теранлигини танловнинг 5 та шартида намойиш этишга ҳаракат қилишди. Айниқса, тарихий воқеа-ҳодисаларнинг ўқувчилар томонидан саҳнада акс эттирилиши, нафақат иштирокчилар, балки томошабинларга ҳам катта сабоқ бўлди.**

**Кўрик-танлов ниҳоясида, ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, тумандаги 222-мактабнинг “Тинибтинчимас тарихчи ёшлар” жамоаси ғолиб деб топилиб, шаҳар миқёсидаги билимлар беллашувига йўлланмани қўлга киритган бўлса, 256-мактабнинг “Жалолиддин Мангуберди” жамоаси иккинчи, 148-мактабнинг “Ёш тарихчи”лари эса учинчи ўрин билан рағбатлантирувчи мукофотлар эгаси бўлдилар.**

***Мухбиримиз***

**E’tirof**

# ТАЖРИБАЛАРНИ БОЙИТГАН МАШҒУЛОТЛАР

*Келажагимиз пойдевори ҳисобланган ёшларимизнинг пухта билим ва кўникмалар олиши учун ҳозирги кундаги мактаб раҳбарларининг маҳорати, ишбилармонлиги, барча касбдошларига ўрнак бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Касбий маҳорат эса, албатта, тажриба алмашинув ва малака ошириш эвазигагина келади. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида бир ой таҳсил олдик. Гуруҳимизда республикамизнинг турли вилоятларидан келган мактаб раҳбарлари билан фикр ва тажриба алмашдик. Касбдошларимизнинг жонкуярлиги, ўқувчи-ёшларга ҳар қандай шароитда ҳам билим бериш биринчи ва бош мезон деган фикрлари аҳа-миятлидир. Зеро, бу фикр ўқитувчиларнинг машғулотлардаги иштирокида ҳам сезилиб турди. Н.Ремеев, М.Маннопова, М.Расулова, В.Омонова каби устозларнинг машғулотлари тажрибаларимизни бойитишда улкан ҳисса бўлди. Айниқса, институт ректори, профессор Ж.Йўлдошевнинг дарс ўтиш маҳорати барчамизда ҳавас уйғотди.*

*Институтдаги ўқув хоналари, кутубхона, меҳмонхона ва профилакториянинг иш услубидаги яхши шароит барчага манзур бўлди. Чет эл педагогларининг иш услублари билан танишув ва улар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, институт қошида ташкил этилган Очиқ жамият институти ўқув бўлимида олиб борилган машғулотлардан шундай хулосага келдикки, демак, ҳозирги кунда мактабга қачон ва қаердан ёрдам келишини кутиш эмас, аксинча, қотиб қолган таълим-тарбиядан воз кечиш, мактабдаги бошқарувга ноанъанавий янги усулларнинг демократик шаклларини фаол жорий этиш зарур экан.*

***Санақул ХЎЖАҚУЛОВ,***
***Абдумажид АСҚАРОВ,***
***А.Авлоний номидаги ПХМОҚТМИ тингловчилари***

# ÐДГОР САЪДИЕВ: ОНАМ ҚИРҚ ЙИЛ МУАЛЛИМЛИК ҚИЛГАНЛАР

***Бугунги меҳмонимиз, кўпчиликнинг севимли актёри, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор САЪДИЕВ. Шу пайтгача бу санъаткор театр, кино, радио, телевидение ва дубляжда олти юзга яқин образлар яратган, овоз берган. Ҳамза номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган. Шу билан бирга, "Замин юлдузлари" мукофоти совриндори.***

**— Ёдгор ака, ушбу саҳифамизнинг доимий саволи бор. Яширмайман, биринчи муаллимларининг исмларини эслай олмай, хижолат чеккан меҳмонларимиз ҳам бўлган. Бугун сизни ҳам синаб кўрмоқчимиз — биринчи ўқитувчингиз ким эди?**

— Биринчи муаллимим — Оқилхон Шарафиддинов бўлганлар. У киши "Алифбо" яратган, ўша даврнинг энг юқори унвонларини олган олим эдилар. Менга ана шу инсон ўқишни, ёзишни ўргатган ва мен бундан фахрланиб юраман. Шунингдек, онам раҳматли ҳам биринчи устозларимдан бўладилар. У киши ҳам бошланғич синфларга дарс берганлар, Оқилхон Шарафиддиновга шогирд эдилар.

**— Педагог бўлган эканлар-да?**

— Қирқ йил муаллимлик қилганлар. Куни билан дарс бериб, туни билан дафтар текшириб чиққанлари кўз олдимда. Оиламиз зиёли оила, яъни газетангиз — халқ зиёлиларининг нашрига мос оиламиз...

**— Соғ бўлинг. Оқилхон акани, онангизни эсладингиз, умуман сизни мактабда ўқитган муаллимларингизнинг қайси хислатлари сизга маъқул келган, қайсиларини қадрлайсиз? Бугунги муаллимларда қайсиларини кўргингиз келади?**

— Ўқитувчиларимнинг деярли ҳаммаси эсимда. Она тилидан Шариф ака деган ўқитувчи дарс берарди, жуда қаттиққўл эди. Болалар ўз тили ва адабиётини яхши билиши керак, дерди. Шунинг учун синфимиздан, марҳум Абдужалил Зокиров журналистикани танлади, бир неча йиллар радиода — "Ёшлар" каналида ишлади, яхшигина қалами ҳам бор эди. Жисмоний тарбиядан Борис Семёнович деган ўқитувчимиз бор эди. Шу инсон сабаб спортга меҳр қўйганман. Ҳасан Халилов деган муаллимимиз 4-синфдан кейин синфимиз раҳбари бўлганлар. Уларнинг ҳар бирини ана шундай санаб беришим мумкин. Мактабимиз Улуғбек номидаги яхши мактаб эди. Мен бир мактабдан бошқа мактабга ўтиб ўқиганман. Иккинчи синфдан онамларнинг қўлларида ўқишим керак эди. Улар болам эркаланмасин, деб бошқа мактабга кўчирган эканлар. Биринчи синфда ўқиган мактабим Аброр Ҳидоятов номидаги мактаб эди.

Муаллимларим ўзининг касбига фидойи эди. Онамларнинг фидойиликларини ўзим кўрганман, бошқа муаллимлар ҳам фидойи эдилар. Негадир, бошланғич синфларда дарс ўтган ўқитувчилар кишининг ёдида қоларкан. Олдимга кўпчилик келиб, онамни сўраб, "Маҳбуба опа бизни ўқитган, яхшимилар", деб сўраб қолишарди. Энг кераги ҳар бир касбнинг, айниқса, педагогнинг ўз касбига меҳри бўлиши керак. Шундагина болалар ўқитувчига интилади. Бу оддий нарса, лекин баъзиларга негадир қийин бўлиб туюлади.

**— Бугунги кунда мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кетди. Хотин-қиз ўқитувчиларнинг ҳурматини жойига қўйган ҳолда, бир савол: эркак ўқитувчининг мактабдаги ўрни қандай деб ўйлайсиз?**

— Ўрни алоҳида деб ўйлайман. Мактабимизда Иноғом ака деган жисмоний тарбия ўқитувчимиз бўлардилар. Шу одамнинг овозини эшитса, манаман деган шўх бола ҳам тинчиб, шўхлиги ҳам эсдан чиқиб, туппа-тузук одамга айланиб қоларди. У кишини ҳамма ҳурмат қиларди. Иноғом ака сингари эркаклар бўлса, мактаб албатта ютади. Бу болаларни қўрқитиш маъносида эмас, бироқ болаларни тўғри йўлга бошлашдаям, ҳақиқий эркак бўлиб ўсишидаям, ёмонликнинг олдини олишдаям эркак ўқитувчиларнинг ўрни бор. Фикримча, мактаб ўқитувчиларининг олтмиш фоизи аёллар бўлса, қирқ фоизи эркаклар бўлиши керак, деб ўйлайман. Йўқса, аёл ўқитувчиларимиз ҳам қийналиб қолишади.

**— Ҳаёт шундай яратилганки, инсон умри аввалида устозга эҳтиёж сезади, ёши улғайгач эса ўзи устозликка ўтади. Санъатда кимларни устоз деб биласиз, шогирдларингиз кўпми?**

— Санъатдаги устозим отам десам, хато қиламан. Чунки вафотларидан кейин туғилганман. У киши раҳматли "Ҳамза" театрида (ҳозирги миллий театрда) кўп йиллар фаолият кўрсатган актёр бўлганлар. Санъатга қизиқиш қондан ўтган бўлса керак. Акамни ҳам устоз деб атайман. Нафақат санъатда, балки ҳаётда ҳам менга устозлик қилган инсон бу — раҳматли Наби Раҳимов бўладилар. Умрларининг сўнгги пайтларида ота-боладек бўлиб қолгандик. Албатта, улар қаторига Амин Турдиевни, Шукур акани, Сора опани ҳам қўшишим мумкин. Сора опа менга институтда ҳам дарс берганлар. Ёш жиҳатдан деярли тенг бўлсак ҳам мен Баҳодир Йўлдошевни ҳам устоз деб ҳисоблайман. Чунки бу режиссёрдан ҳам кўп нарсани ўргандим, унинг қўлида кўп ролларни ўйнадим.

Энди шогирдлар масаласида. Менинг шогирдим фалончи, деб айта олмайман. Буни Наби акам ҳам айтардилар. Ҳақиқатдан ҳам мана бу менинг шогирдим, дея олмайман ва бу фикрга мен қаршиман. Чунки шогирд устоз танлайди, устоз шогирд танлай олмайди. Танламас экан, буни ҳаётимда кўп кўрдим. Театрда мени Фатхулла Махсудов устоз дейди, у менинг ролларимга эътибор беради, мен ҳам билганимча ҳаётдан, ижоддан олганларимни ўргатишга ҳаракат қиламан. Кўпчилик уста, устоз дейди. Лекин мен айримларга ўхшаб мана бу, мана бу менинг шогирдларим, деб айта олмайман, эриш туюлади менга негадир...

**— Устозни шогирд танлайди, дедингиз. Демак бирор санъат йўлини танлаган ижодкор келиб, этагингизни тутса, этагингизни силтаб ташламайсизми?**

— Йўқ, қўлимдан келганча ёрдам беришга интиламан.

**— Вақтингиз етарли бўладими?**

— Имкони борича етарли вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Негаки, сўраб келган мендаги яхши хислатларни ўзида ривожлантиришга ҳаракат қилади. Менга бу нарса ёқади ҳам.

**— "Театр ибратхонадир" деган эди машҳур маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий. Агар бу фикрга қўшилсангиз кейинги савол: театрлар бугунги ибратхона бўла олаяптими? Агар юқоридаги фикрга қўшилмасангиз, театр яна қандай вазифани бажармоқда?**

— Қўшиламан. Агар театр тўғри йўналишини топиб, халққа тўғри хизмат қилса, ҳақиқатдан ҳам у ибратхона вазифасини ўтайди. Агар театрнинг йўналиши нотўғри бўлса, қўйилаётган асарлар пуч бўлса, хом бўлса, ҳаётдаги камчиликни фош этмаса ёки яхшиликни ўргатмаса у энди ибратхона эмас, бошқа нарсага айланиб кетади... Бир спектаклни кўриб уни ибратхона дейман, баъзи бир спектаклни кўриб эса йўқ, бунақа нарсадан кечиш керак, бу ибратхона эмас, дейман...

## Mehmonxona

**— Бизда, яъни журналистикада ҳам айрим газеталар оломон руҳиятидан келиб чиқиб, енгилелпи, масалан "интим" мавзуларига эътиборни қаратяпти. Театрда ҳам шундай "тажриба"-лар пайдо бўлди. Европа томонларда бу ҳол урфга айланди. Бу ҳаётнинг тақозосими, театр ҳам шу йўлга кириши керакми ёки ўз йўлида давом этиши керакми?**

— У томонларда ҳамма нарса ўзгариб кетди. Баъзи бир театрлар ибратхона эмас, ростакам ишратхонага айланиб кетди. Шунинг учун мен бунга тамомила қаршиман. Қолаверса, ҳали айтган гапингиз менга маъқул келади, қўл келади. Бировнинг ётадиган ўриндиғига киришнинг ҳожати йўқ. Оилада бўладиган майда, олди-қочди гапларни газетанинг тиражини ошириш учун ёзишларини қабул қила олмайман, ёмон кўраман. Менга ҳам бир неча маротаба келишиб, турли мишмишлар бўйича илмоқли-илмоқли саволлар бериб, фикр сўрашган. Мен уларга қаттиқ-қаттиқ жавоб бериб жўнатиб юборганман. Турли "кир"ларни газетада чиқаришнинг нима кераги бор? Юртимиз бошқа, динимиз бошқа, ҳар томонлама ҳам бу нарсалар бизга тўғри келмайди. Бизга озгина парда керак, ҳаё керак. Нега мен ўзбек қизларини бошқа юрт қизларига қараганда кўпроқ ёқтираман? Чунки уларда иффат бор. Матбуотда ҳам, театрда ҳам ана шу иффат, ана шу ҳаё бўлиши керак.

**— Ҳозирги ёшларнинг театрга қизиқишини қандай баҳолайсиз? Қониқмаётган бўлсангиз, нима қилсак ёшларнинг театрга қизиқиши ортади?**

— Бизнинг давримизда ҳам ёшларнинг театрга қизиқиши кам бўлган бўлиши мумкин. Театрдан зиёли қадамини олди. Ота-оналар кам келадиган бўлиб қолди. Гап ана шунда. Менимча, театрнинг асосий томошабини катта ёшдагилар. Уларда қизиқиш бўлса, оиласини етаклаб келади. Иккинчи тарафдан, мен барча юкни томошабин зиммасига ташламоқчи эмасман. Ярим юк театр зиммасида бўлади. Спектакл яхши бўлса, томошабин, албатта, келади. Ҳозир кўпроқ комедия жанрига одамлар кўп келишяпти. Комедия керак, у ўз йўлига. Лекин театр доим томошабин ортидан юравермаслиги лозим, томошабинни ортидан олиб ҳам юриши керак. Бу фикр барча театрларга тегишли деб ўйлайман. Асарнинг йўқлиги, режиссёрнинг йўқлиги, актёрнинг йўқлиги, спектаклнинг йўқлиги томошабинни йўқотганлигидир. Буларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. Масалан, бизнинг театримизда томошабин залда тўлиб ўтирадиган спектакллар ҳам бор.

Қолаверса, илгарилари ҳафталаб, ҳатто қирқ кунлаб вилоятларга гастролга чиқиб кетардик. Халқ саройларни тўлдириб кутиб оларди. Ҳозир шу ишимиз бироз оқсагандай, назаримда.

**— Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз? Ўз таниш-билишларим сўзидан келиб чиқсам, айтиш мумкинки, жойларда кўтчилик Миллий театримиз актёрларини соғинган.**

— Мен бунга маблағ масаласи тўсқинлик қилаяпти, деб ўйламайман. Миллий театр кепти, десачи, одамлар ёпирилиб келади, бунга ишончим комил. Иқтисодини ҳам чиқариб олиш ва бошқа жиҳатларини ҳал қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда театр раҳбарияти бу иш устида қаттиқ ишлаяпти. У ерларда шароит йўқ дейишга менинг ҳаққим йўқ, ҳар бир вилоят марказида яхши театрлар қурилган. Қишлоқларда кичик гуруҳ билан чиқиш мумкиндир, лекин вилоят марказларига қишлоқлардан ҳам одамлар келади, албатта. Қолаверса, ўзимиз ҳам ўша томошабинларни соғинганмиз. Водийнинг томошабини бошқа, Хоразм воҳасиники ўзгача, Сурхондарё, Самарқанд... ҳар бири ўзига хос. Агар шундай савобли "юриш" бўлганда одамларнинг маънавиятига ҳам маълум даражада таъсир қилган бўлар эдик. Телевизору видео театрни четга суриб ташлади, дейишади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Кинотеатрга бирор кино олиб келишса, телевизордаги кино нақд дейишадида, боришади. Театр ҳам худди шундай. Миллий театрга бўлган аҳолининг чексиз муҳаббати борлиги, кутаётганини ҳам биламан.

**— Орзунинг чеки йўқ, дейдилар. Яна қандай рол ижро этишни ёки асар яратишни орзу қиласиз? Айни пайтда нима ишлар билан машғулсиз.**

— "Шайтанат"нинг сўнгги серияларини тугатяпмиз. У йигирма сериядан иборат бўлади. Яна бир гапни айтиб кетай. Ҳозир фильм билан бўлиб театрдан сал четроқда турибман. Лекин ҳар ҳафта бориб, саҳнамни ҳидлаб-ҳидлаб келаман. Мен Бобурни жуда яхши кўраман ва ҳали бу шахс билан боғлиқ образларимни яратиб бўлганим йўқ деб ўйлайман. Бобур ҳақида бир сериялими, икки сериялими, бир фильм олиш ниятим бор. Ҳиндистонда Бобур мирзо она юртидан қовун кутади. Шу қўмсаш жараёнида бошидан ўтказган турли воқеа-ҳодисаларни ўйлайди. Бу ғоя анча пайтдан буён хаёлимни банд этиб келади.

"Қалқон" студиямиз Ички ишлар вазирлигининг қошида ташкил этилган. Милиция ходимларининг машаққатли ишлари хусусидаям фильм яратиш режамизда бор. Шу студиянинг раҳбари бўлганлигим учун айтмаяпман бу гапларни. Барибир милиция бизларни кўп ёмон нарсалардан асраяпти. Улар орасида жуда кўп дўстларим бор, уларнинг ҳаётини ҳам биламан. Мен орзу баҳонасида режаларимни ҳам айтиб юбордим. Оддий раҳбар ҳақида, унинг ташвишлари, изтиробларию хурсандчиликлари ҳақида фильм олиш орзуйим.

**— Актёрлардан бошқа инсонлар асарни ўқиб, саҳнада, экранда кўриб, ёқтирган қаҳрамонининг яхши хислатларини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилади. Ўзингиз ижро этган бирор қаҳрамонларингиз хусусиятларини ўзлаштиришга интилганмисиз? Саволим ўринсиз бўлиб туюлмаяптими?**

— Албатта, баъзи бир ўйнаган ролларимдаги хислатлар менга ўтгандир. Шиллернинг "Қароқчилар"ида Карл Моорни ўйнаганман. Тўғрилик, инсофлилик ва ноҳақликка бўлган исённинг кучлилиги менга ўтган деб ўйлайман. Вақти-соати келиб театрда ўйнаган Бобур ролидан ҳам бир нарсалар ўтган бўлса керак, деб ўйлайман ўзимча. Лекин кейинги пайтларда ҳаётий тажриба сабаб ўзимда шаклланган айрим жиҳатларнинг ўйнаган ролларимга таъсир қилаётганини ҳам сезяпман. Дейлик, "Шайтанат"даги Асад образини яратиш жараёнида шундай бўлган экан. Энди уни қайта кўраётганимда мана бу Асад, мана буниси Ёдгор деб ажрата бошладим.

**— Бу ерда сиз билан бироз баҳслашиш мумкин. Негаки, томошабинга айрим жиҳатлари яхши бўлиб кўринган Асадбекка ўзингизнинг яхши хислатларингизни ўтказгандирсиз, шундай эмасми? Ахир, ёмон жиҳатларимни ҳам ўтказганман дея олмайсиз-ку! Тўғрими?**

— Бу ҳам бор гап. Асадбек ўзи салбий образ. Ўзимдан салбий томонлар ҳам ўтган, лекин Тоҳир аканинг ёзган асарида у айёр, шафқатсиз тасвирланган. Ўзимга айёрлик хос бўлмагани учун унга айёрликни бера олмаганман, балки шунинг учун у одамларда ижобий образдек бўлиб туюлиши мумкин. Лекин биз чуқурроқ ўйлашимиз керак. Бирор бир инсоннинг ҳаётига тажовуз қилган одам ҳеч қачон ижобий бўла олмайди. Оллоҳ бизга умр беради, угина олиши мумкин, лекин бандаси бандасининг умрига тажовуз қилса, бу гуноҳи азим бўлади.

**— Ёдгор ака, бу ролни меҳр билан ўйнаганингиз, яна ўзингиздаги хислатларни унга қўшганингиз сабаб бу образ одамларда ижобий бўлиб кўринган ҳам. Унга бўлган нафратдан кўра раҳм кўпрокдек назаримда.**

— Бу ерда яна бир томони бор. Унинг асли палаги тоза бўлган. Биз унинг шайтанат оламига қандай кириб келганлигини кўрсатмоқчи бўлганмиз. Унинг отасини сталинизмнинг қатағони даврида туҳмат билан олиб кетишган. Укаси, онаси ўлиб кетди, бола ёлғиз қолди ва бу кўчага кириб кетди. Ўзининг "отамни қамашмаганда бу кўчага кирмасмидим", деган гапи бор. Унга нисбатан Муҳиддин ота: "отаси қамалганларнинг ҳаммаси ҳам бу йўлда эмас-ку", дейди. Тушуняпсизми, икки тарафлама фикр бор бу ерда. Ҳақиқатан ҳам отаси қамалганларнинг ҳаммаси ҳам бу кўчага кириб кетмаган-ку. Бизнинг мақсадимиз бу йўл қанчалик хатарли эканини, бундан яхшилик келмаслигини, шайтанат оламига кирган одамнинг ҳаёти барибир таҳлика остидалиги, барибир бир куни унга жазо берилиши муқаррарлигини кўрсатиш. Шайтанат олами бизга керак эмас, деган гапни айтиш бизнинг мақсадимиз. Сўнгги қисмини кўрмагунча унга баҳо беришга ҳали ўзим ҳам ожизман.

**— Адабиётнинг мухлиси эканлигингизни биламиз. Сўнгги маротаба қандай асар ўқидингиз? Таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ҳозир мана бу китобни ўқияпман (столнинг устидан бир китоб олиб кўрсатди, у Тоҳир Маликнинг "Меҳмон туйғулар" китоби эди), бунда ҳаётда қўлланилиши мумкин бўлган кўп фикрлар ёзилган. Бир жойи жуда ёқди: бировнинг сирини сақлаш тилингизни тагида чўғни сақлашдан ҳам қийин, деган ҳаётий, лекин фалсафий, тўғри гап ёзилган. Бу фикр менга жуда ёқди. Ўйлаб кўринг, бир гапни сизга айтишиб, сир сақлашингизни илтимос қилишди, сиз уни барибир кимгадир айтасиз, ичингизда сақлаб юра олмайсиз. Сирни сақлай биладиган одам дунёда йўқ бўлса керак, деб ўйлайман.

Яна бир фикр ёқди. Мен бахтлиман, омадлиман деб семириш ҳам яхши эмас экан. Буларнинг ҳаммасини жиловлаб туриш керак экан. Бахтлиман деб ўзингизни қўйиб юборсангиз бу худбинликка, бахтсизликка олиб келар экан.

**— Муштарийларимиз асосан ўқитувчилар. Уларга тилакларингиз....**

— Онам раҳматли менга бир ўгит айтгандилар, бу қизиқ гап эмас — "юртингга, касбингга, дўстингга ҳеч қачон хиёнат қилмагин", деганлар. Муаллимларимиз ҳам касб-корларига, дўстларига — булар оилалари ҳам бўлиши мумкин, уларга хиёнат қилишмасин. Зиёлиларимиз театрга ҳам хиёнат қилишмасин, келиб туришсин. Шукр қилиб яшаш ҳаммамизга насиб қилсин. Устозларимиз сабр-бардошли бўлишсин. Ўзимга тилаган барча тилакларни ҳурматли муштарийларга тилайман. Инсон ўзига ҳеч қачон ёмонлик тиламайди.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

***Ҳалим САЙИД суҳбатлашди.***

***Mamlakatimizda faoliyat ko‘rsatayotgan 10 mingga yaqin umumta’lim maktablarida ham kasbga yo‘naltirish ishiga birdek mas’uliyat bilan yondashilmayapti.***



**Kasbga yo‘naltirish**

# КАСБГА КИМ, ҚАНДАЙ ЙЎНАЛТИРАЯПТИ?

## Ёхуд мактабда касбга йўналтирувчи тўгараклар фаолияти

*Мамлакатимизда янгидан қарор топган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун билимга чанқоқ ўқувчиларни тарбиялаб етказиш мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг бирламчи вазифасидир. Бу жараён ўта мураккаб, масъулиятли ва шу билан бирга шарафли иш ҳисобланади. Зеро, "боғча"дан мактабга илк бор қадам қўйган болажонга унинг қизиқишлари, интилиш ва хатти-ҳаракатларига мос равишда билим, таълим-тарбия берилса, келгусидаги катта ҳаёт йўлида сурилмай, қоқилмай ўзини ўнглаб олиши учун маълум касб ва ҳунарни эгаллашга бўлган рағбат уйғотилса, ҳар бир ёшнинг келажакда яхши инсон бўлиб етишиши муқаррар. Мазкур вазифани амалга оширишда мактаб жамоаси, ота-оналар ҳамкорлиги билан биргаликда касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис марказлари мутахассисларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Бироқ, соҳадаги ишларнинг самараси биринчи галда турли босқичлардаги таълим муассасаларининг шу соҳага алоқадор ходимлари фаолияти, уларга яратилаётган шарт-шароитларга бевосита боғлиқдир.*

*Бу жараёнда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мутасаддилари мазкур масалага ҳеч қандай алоқадорлиги йўқдек, аксарият ҳолларда бепарволик билан муносабатда бўлмоқдалар. Уларнинг республика, вилоят ва туман Ташхис марказлари билан ҳамкорлиги деярли йўлга қўйилмаган. Таажжубланарлиси, кўпгина ҳолларда умумтаълим муассасалари томонидан ўқувчиларга қайси касб-ҳунар коллежига бориб ўқиши кўрсатилган йўлланмалар ушбу таълим даргоҳларида эътиборга, ҳаттоки инобатга ҳам олинмаяпти. Натижада, мактабнинг 9-синфини тамомлаб, турли йўналишлар бўйича йўлланма олиб, касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттираётган ўқувчилар орасида ўз танлаган касбидан кўнгил совиш ҳолатлари кузатилмоқда. Кўп вазиятларда эса ушбу ўқувчилар ўрта махсус таълим муассасасини ташлаб, умумтаълим мактабининг 10-11-синфларига қайтиш ҳолатлари юз бермоқда.*

*Бу ўринда баъзи касб-ҳунар коллежларидаги моддий-техник базанинг ночорлиги, педагоглар малакаси ва билим салоҳиятининг етарли даражада эмаслигини, ҳам, аччиқ бўлса-да, таъкидлашимиз жоиз. Зеро, маълум касбни танлаган, уни эгаллашга қатъий киришган ҳар бир ёшга қизиқиши ва лаёқати, интилишларига мос равишда мукаммал билим бериш учун таълим муассасасида барча шароитларнинг бекаму кўст бўлиши талаб этилади. Токи, ўқитувчи ўз фани ва машғулотини ҳар бир ўқувчига бутун маҳоратини ишга солиб, турли техник воситалардан фойдаланган ҳолда сингдиришга ҳаракат қилса ва уни қизиқтира олсагина, ўқувчида шу касбга меҳр ва иштиёқ уйғонади. Афсус билан айтиш керакки, бугунги кунда барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ҳам мана шу мақсадда ва йўналишда иш ташкил қилинмаяпти.*

*Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин умумтаълим мактабларида ҳам касбга йўналтириш ишига бирдек масъулият билан ёндашилмаяпти. Айрим жойларда мутахассисларнинг етишмовчилиги кузатилса, баъзи таълим муассасаларида соҳа ходимлари фаолияти учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган. Бироқ республикамизда бу йўналишдаги фаолияти билан кўпгина мактабларга ўрнак бўла оладиган умумтаълим муассасалари ҳам анчагина. Ана шулар орасида Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида жойлашган 307-сонли умумтаълим мактаби жамоасининг касбга йўналтириш ва ўқувчиларга билим бериш борасидаги яратаётган ўзига хос янгиликлари таъкидлашга лойиқ.*

*Ушбу мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари учун жорий йил омадли келиб, қувончли янгиликлар билан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Боиси, 307-сон умумтаълим муассасаси жамоаси "Йил мактаби — 2002" кўрик-танловининг барча босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, республика миқёсида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.*

*Илм маскани 1992 йилда янги, замонавий андозалар асосида қад кўтарган бинода ўз фаолиятини бошлаган. Билим даргоҳида таълим-тарбия жараёни асосан икки тилда олиб борилиб, унда бугунги кунда 1028 нафар ўзбек, 1095 нафар русий-забон ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўтган ўн йиллик давр мобайнида мактабда 900 нафарга яқин ўқувчи таянч маълумотни қўлга киритди. Шундан 420 нафари умумий ўрта таълим шаҳодатномасига эга бўлиб, 373 нафар ўқувчи (умумий битирувчиларининг 89 фоизи) олий ўқув юртларида таълимни давом эттирдилар. Айни пайтда мактаб битирувчиларининг 200 нафардан зиёди халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаол иш олиб бормоқдалар.*

*Мактаб асосан тилшунослик, иқтисодиёт, математика, педагогика, спорт сингари йўналишларга ихтисослашган. Умумтаълим муассасаси малакали педагоглари ўқувчиларга фанларни чуқурлаштириб ўқитишга бирламчи эътиборни қаратадилар ва шу йўналишда махсус синфлар, шунингдек, тижорат синфлари, коррекция гуруҳлари, интенсив ўқитиш синфлари ташкил этилган. Ўз билим даражасини кундан-кунга, жадал равишда ошириб боришни истаган ўқувчилар билан доимо индивидуал равишда иш олиб борилади. Бунинг учун мактаб қошида ташкил этилган "Билимдон" ўқув маркази мутахассисларининг кўмаги асқотади. Марказда бошланғич, ўрта ва юқори синф ўқувчилари учун барча шароитлар яратилган. Махсус синфга қабул қилинган ўқувчи эрталаб мактабга келгач, кеч соат 17 га қадар шу ерда бўлади. Мактаб ўқув режасига киритилган дарс соатларини ўқиб бўлгач, ўқувчиларга махсус фанлардан, масалан, математика, инглиз тили, тарих, иқтисодиёт сингари фанлардан чуқурлаштирилган дарслар ўтилади. Шунингдек, бу гуруҳдаги ўқувчилар билан спорт машғулотлари ҳам олиб борилади.*

*Мактабда турли касбий тўгараклар ҳам иш олиб бормоқда. Бу болаларни мактабданоқ бирон касб-ҳунарга қизиқиш уйғотишга ёрдам беради.*

*— Мактабда ўқувчилар таянч маълумотга эга бўлиш билан биргаликда, турли тўгараклар орқали касб илмини ҳам ўрганиб, ўз келажак йўлларини белгилаб олмоқдалар, — дейди мактаб директорининг ўринбосари Фотима Мирраҳимбоева. — Мактабимизда ўнга яқин турли касбларни ўргатишга ихтисослашган тўгараклар фаолият кўрсатади. "Моҳир қўллар", "Авиасозлар", "Дурадгор", "Ҳунарманд", "Уй бекаси" сингари касб-ҳунар тўгаракларида қўли гул усталар ўқувчилар билан биргаликда иш олиб борадилар. Эътибор берган бўлсангиз, касбий тўгаракларни асосан туманимизда жойлашган турли йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари ихтисосликларига мослаштиришга ҳаракат қилганмиз. Боиси, бугун маълум касбга қизиқиш туйган ва у билан шуғулланишга рағбат сезган ўқувчи, эртага шу йўналишда мукаммал билим олишга эҳтиёж сезади ва шунга имконият яратилишини ҳам истайди, албатта.*

*Мактабнинг спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган иккита спорт залида бир қанча спорт секциялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўқувчилар бадиий гимнастика, волейбол, баскетбол, теннис, футбол, қўл тўпи сингари спорт машғулотлари билан шуғулланмоқдалар.*

*Мактабнинг бошқа кўпгина умумтаълим муассасаларидан фарқли жиҳатларидан яна бири шундаки, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида илм даргоҳида 61 та фан хоналари ва бошланғич мактабдаги 17 та ўқув хоналари ташкил қилиниб, барчаси замонавий ўқув-техник воситалар, кўргазмали қуроллар билан тўлиқ таъминланди. Аҳамиятлиси, мактабда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишига биринчи даражада аҳамият берилади. Бунда касб-ҳунарга йўналтириш хонасининг ўрни катта бўлмоқда. Хонани кўздан кечирар эканмиз, унда ДТМнинг йиллик сўнгги таҳлилий материаллари, пойтахтимизда жойлашган барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳақидаги ахборот-маълумотларни кўриш мумкин.*

*Мактаб директори Светлана Бочкарёва билан учрашиб, уни суҳбатга тортдик:*

*— Мактабимиз жамоаси орасида ўқувчиларни касбга йўналтириш ишида биринчи навбатда касбга йўналтирувчи, психолог ва ҳамширанинг меҳнатларини таъкидлашимиз лозим. Энг аввало, 1-синфга ўқувчилар қабул қилиниши чоғида турли ёшдаги болалар психолог ва шифокор кўригидан ўтказилади. Сўнг, боланинг мактабга тайёргарлик даражаси, унинг лаёқати ва қизиқишлари ҳам аниқланиб, сўнгги хулосаларга асосан турли поғонали синфлар ташкил қилинади. Ўқувчи тўртинчи синфни тамомлагач, у яна бир бор кўрикдан ўтказилади. Бунда асосан унинг фанларни ўзлаштириш даражаси текширилади. Мазкур кўрик натижасида қайсидир ўқувчининг математика ёки иқтисод фанларига қизиқиши аниқланса, яна бошқалари эса инглиз тили, умуман хорижий тилларни мукаммал ўрганишни хоҳлашади. Ана шулар асосида 5-синф уч йўналишда қайта ташкил этилади. Яъни, биринчи гуруҳда асосан инглиз тили чуқурлаштирилган тарзда ўқитилса, иккинчи гуруҳда математика, информатика ва иқтисод фанлари мукаммал ўргатилади. Учинчи гуруҳ синфи ўқувчиларига эса умумий барча фанлардан бир меъёрда, давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар асосида сабоқ берилади. Махсус икки гуруҳ ўқувчилари кейинги синф босқичларида ҳам доимий равишда имтиҳондан ўтадилар ва ўзлаштириш даражаси суст-лашиб бораётган ўқувчи қуйи гуруҳга тушириб борилади. Шу боисдан, махсус гуруҳларда таҳсил олаётган ўқувчиларимиз ўзларининг фаоллиги, билимга чанқоқлиги билан ажралиб турадилар.*

***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,***
***"Ma`rifat" мухбири***

**Kasb-hunar kollejlarida**

# ЗАМОН ВА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётган бир пайтда, бу соҳада кўпгина ижобий натижалар ҳам кўзга ташланмоқда. Мамлакатимизда тубдан янги шаклда яратилган ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларидан минглаб малакали мутахассислар турли замонавий касбларни эгаллаб, катта ҳаётга йўлланма олмоқдалар. Айни пайтда таълим тизими илғор педагогик технологиялар билан бойитилмоқда.

Умуман олганда, комил инсонни тарбиялаш ғояси азалдан халқимиз орзуси, маънавиятининг узвий, ажралмас қисми бўлган. Демак, ҳар қандай даврда ҳам комил инсон масаласига, таълим, тарбия муаммоларига улкан маърифий вазифа сифатида жиддий эътибор қаратилган.

Комиллик йўли — илм йўли демакдир. Бизнинг Оқ олтин ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам ўнлаб ижодкор ва фидойи ўқитувчи, мураббийлар фаолият кўрсатмоқдалар. Улар меҳнатининг самараси ўлароқ, яқинда умумтаълим фанлари бўйича вилоят миқёсида ўтказилган танловда олти нафар ўқувчимиз муваффақиятли қатнашиб, шулардан тўрт нафари биринчиликни қўлга киритдилар.

Коллежимизда таълим-тарбия ишлари билан бирга, жуда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар сирасига таниқли кишилар билан учрашувлар, фан ҳафталиклари, доимий равишда ўтказиб борилаётган "Қувноқлар ва зукколар" танловларини айтиб ўтиш лозим. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоийнинг таваллуд кунига бағишланди. Адабий кечада коллеж "Ҳуқуқшунослик" факультетининг "Ҳаттот" ва "Автотранспорт" бўлими, "Наво" ўқитувчилар жамоалари белашдилар.

Маълумки, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий инсонлик шарафи, ғурури ва ифтихори илм олишга даъват этиб кўпгина шеърлар ижод этган.

Коллежимиз педагогик жамоаси илмга, ҳунарга чанқоқ ёшларга мукаммал билим ва ҳунар ўргатишга доимо ҳозир. Бироқ "Қарс — икки қўлдан", дейдилар. Ишимизнинг муваффақияти, албатта, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти, изланиши, интилишлари билан боғлиқ. Истеъдодли, билимга чанқоқ ёшлар билан ишлаш доимо завқлидир. Уларга ҳозирги замон илм-фан сирларини доимий равишда ўзлаштириб бораётган устозлари сабоқ бермоқдалар.

Давр ва замон шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Турли жабҳаларда янги-янги йўналишлар кашф этилмоқда. Бу жараён таълим-тарбия соҳаси ходимларидан ҳам янгиликка, ижодкорликка интилиб яшашни, ишлашни талаб этмоқда. Ҳозирда коллежимиз талабаларига электроника, уяли алоқа техникалари ва замонавий компьютер технологиялари каби соҳа ва йўналишларда ҳам малакали билим берилмоқда.

Таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ўқитувчини ҳам ижодкорлик сари чорлайди. Ижодкор ўқитувчи ижодкор ўқувчини тарбиялайди. Ана шундагина таълим тизими ижтимоий ҳаётдаги ривожланишларнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

***Равшан БОБОЖОНОВ,***
***коллежнинг "Давлат автомобил назорати" бўлими мудири,***
***Республика "Устоз" жамғармаси гранти совриндори***

Jurnalist kuzatuvi

# ҚЎҒИРЧОҒИНИ УРАЁТГАН ҚИЗАЛОҚ

## у буни кимдан ўрганади?

Кўпчилик томонидан айтиладиган ҳар қандай фикр ҳеч қачон назардан четда қолмайди. Чунки биз хоҳлаймизми, йўқми жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ва бўлаётган воқеа-ҳодисалар аҳолининг яшаш тарзида турли хил ҳолатларда намоён бўлаверади. Шунинг учун ҳам, ривожланаётган дунёда ижтимоий фикрнинг обрўси ошди ва уларнинг хулосалари билан барча бирдек ҳисоблашадиган бўлди.

Шу ўринда айтиш керакки, бизнинг ўзбек халқининг ўзига хос бўлган менталитети бор. Яъни кўз-кўзга тушади, қонқариндошчилик, ҳеч бўлмаганда юз-хотирни ўйлаб, кўзимиз кўриб турган камчиликларни яхшиликка йўйишга ҳаракат қиламиз. Лекин норасмий доираларда, қўни-қўшнию, ишончли кишилар бир-бирлари билан ҳодисотларга бўлган муносабатини пичирлашиб билдиришади. Мен юқорида ижтимоий фикр борасидаги мулоҳазаларни бекорга келтириб ўтганим йўқ. Бунинг боиси, бугунги мақоланинг ёзилишига худди шу нарса, яъни одамларимиз орасида учраб турадиган гаплар туртки бўлди.

Ота-оналар ёки аёллар даврасида бўлганимда кўпинча мактабгача таълим муассасалари ҳақида гап очиб, уларнинг бу мавзудаги фикрларини билишга ҳаракат қиламан. Чунки ота-оналар фарзандининг олдида ҳар куни бўлиб, уларнинг боғчадан қай аҳволда келишини, қандай ижобий ёки салбий ўзгаришлар бўлишини бевосита кўриб-билиб турадиган инсонлардир. Демак, тарбиячиларнинг баҳоловчилари асосан фарзанди боғчага бораётган ота-оналар. Ана шундай ўйлар билан юрганимда мактабгача таълим муассасаларидан бирида бўлиб ўтаётган тадбирда иштирок этдим. Болаларнинг ўйин фаолияти, улар ўйнайдиган ўйинчоқларнинг хусусияти мавзусига бағишланган семинарга мутахассислар, ота-оналар ва бошқа кўплаб меҳмонлар ташриф буюрган эди. Анжуманда тарбиячилар ва ота-оналарнинг бола ўйин фаолиятида асосий бошқарувчи эканлиги таъкидланди. Ҳар бир ўйинчоқни "тушуниб", уларни бола ўйин фаолиятида тутган ўрнини белгилаш, ўйинчоқни шунчаки бир овунтирувчи восита эмас, дидактик, фикр ўстирувчи, кичкинтой муаммоларини ҳал қилувчи "сирдош дўсти", кези келса, устози сифатида қараш борасида мутахассислар гапириб ўтдилар. Шундан сўнг, иштирокчилар учун болалар ўйинчоғида мужассамлашган минг бир сир-асрорларни имкон қадар очиб ташлаш ниятида тренинг ўтказилди. Тренинг якунланганда барча лол эди. Чунки бир ярим соат вақт қандай ўтиб кетганлигини ҳеч ким сезмади ва шу вақт мобайнида ота-оналар ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган маъноларни ўйинчоқлардан топди. Эрталабдан-кечгача давом этган йиғилиш ёпиқ деб эълон қилингандан сўнг ҳам ҳеч ким уйига ошиқмасди. Ҳар ким ўзаро фикр алмашар, болаларини ўйнатмасдан, уларга ўтказган зулмнинг натижалари қанчалик даражада қимматга тушишини билиб, энди ҳеч ҳам ундай хатоликларни такрорламаслик ҳақида гапирарди. Ишқилиб, ушбу бўлиб ўтган ваъзхонликдан йироқ тарздаги тадбир ҳамманинг ўзига яраша дардини қўзғаб қўйган эди. Мен ҳам касбим тақозоси туфайли уларни гоҳ даврларига қўшилиб, гоҳ четдан туриб тинглашга ҳаракат қилардим. Шу пайт дардини кимга очиб-сочишни билмаётганлиги кўриниб турган оналардан бири менга юзланиб ўзини **Гулзебо Иноғомжонова** деб таништирди. Ва:

— Биласизми, менинг ўзи тилаб-тилаб олганим, биттагина қизим бор. У ҳар доим қўғирчоқларини қатор териб қўйиб, уларни ҳақоратланганича, ургани-урган. Аввалари бунга ҳеч ҳам эътибор бермасдим. Қизболаку, ўйнаяптида деб қўярдим. Лекин бугунги гаплардан кейин, унинг ҳатти-ҳаракатлари мени ўйлантириб қўйди — дея дардлашди. Шунда мен ҳам буни кузатишим керак деган хулосага келиб, Гулзебо опадан беш ярим ёшли Камола (қизи) билан дўстлашишимга шароит яратиб беришларини сўрадим. Муддаомиз бир жойдан чиқди ва мен ўз ишимга киришдим.

### ТАНИШУВ

Худди шу куни Камолани боғчадан унинг онаси билан биргаликда уйига олиб кетдик. Мен унга ўзимни жуда яқин олишга ҳаракат қилдим. Лекин у ҳали кўрмаган аммасининг (яъни мен. Чунки онаси мени унга амманг бўлади деб таништирди) гапларига қисқагина қилиб "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериш билан чекланарди. Унинг дунёсига кириш учун қариндошликдан ҳам бошқа яна бир восита ўйлаб топишим керак эди. Шунда унга боғчада инглиз тили машғулотларида ўрганганларини мустаҳкамлашга ёрдам беришим мумкинлигини айтиб, ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари учрашиб туришга келишиб олдик. Бундан икки томонлама манфаат бор эди: мен ҳам ўз мақсадимга тезроқ етаман, у ҳам озми-кўпми инглиз тили машғулотларини мустаҳкамлаб боради.

### ҲЕЧ НАРСАГА ЭРИШМАДИМ

Камоланинг боғчаси 6 кунлик бўлганлиги учун у шанба куни бўлишига қарамай ҳалиям уйга келгани йўқ эди. Эшик очилиб, у кириб келганида эса қовоқларидан қор ёғар, хафалиги шундайгина кўриниб турарди. Уни ҳар қанча алдасам ҳам сабабини айтмади. Фақатгина "Энди мен боғчага бормайман" деганича кравотига чўзилиб олди. Унинг бу кайфияти инглизча сўзларни такрорлашимизга ҳам тўсқинлик қилди.!

### МЕН КУТГАН ФУРСАТ

Мен борганимда Камола "Устоз-устоз" ўйнаб ўтирарди. Онаси кечаги вазиятнинг сабабини сўраб билган экан. Айтишича боғча опа "сен энг қитмир қизсан" деб Камоланинг узун сочларидан тортиб, урибди. (Нега ундай қилганлиги биз учун қоронғу.) Албатта, она қизини оқлай кетди. Шу аснода уйнинг тўрида ўйнаётган қизалоқни ҳам назаримдан четда қолдирмадим. У онасини ташвишлантирган ҳаракатларини такрорларди: 7 та қўғирчоғини (ҳар бирининг ўз исми бор экан) қатор ўтқазиб, "дарс ўтарди".

"— Феруза, бетинг бузилсин сен қизнинг, ҳар доим кроватингнинг тагидан конфет пўчоқ чиқади. Бор ҳаммасини териб кел, — дедида уни "ишга юборди". Энг кичкина қўғирчоғига қараб эса: — Нилу, сендан қачон қутуларканман-а, худонинг берган куни иштонингни ҳўллайсан. Шуни айтсанг тилинг узилиб тушадими? — деганича "кичкинтойнинг" кийимини алмаштирган киши бўлди. — Хўш, яна нима эсимдан чиқди. — Ҳа айтгандай, Шаҳзода кеча нега шкафингни, "игйалний"даги (игральный демоқчи) ўйинчоқларни яйратиб кетдинг. Бу ер сани адангнинг уйимас. Бўпти мани чакагимни очмасдан олдиларингдаги пластилиндан одамчалар ясанглар". Ўзини ҳақиқий тарбиячидек ҳис қилиб "роль" ўйнаётган Камоланинг ҳатти-ҳаракатлари таажжубга соларли эди. У қўғирчоғи Светанинг тилидан гапирди:

— Боғча опа, майлими қўлимни ювсам...

"Боғча опа": (Унинг бошига қўлидаги линейкаси билан бир уриб)— ўтириб ишла...

"Света": — Ҳмм, ҳмм, ҳмм (йиғлайди).

"Боғча опа": — Эй бу эркалигингни уйингда қиласан. Нега сенинг оғзинг очилиб ўтирибди-а?

У Нигинага қаради ва жонсиз Нигинанинг ҳам бошига бир уриб, ўзингни эпламаганингдан кейин шуда, ҳаммадан калтак еб юрасан. Бўлди, энди ҳамма ясаганларимизни столга қўйиб, ҳовлига чиқамиз. (У қўғирчоқларини турғазди).

— Вой-вў, Малика, кўйнагинг мунча чиройли, эртага туғилган кунинг эканлигини биласан-а опангларга айт, каттароқ торт олиб келсинлар...

Қўғирчоқларини кўтариб, боққа чиқишни ният қилган "Боғча опа" — Камоланинг бизларга кўзи тушди-ю, индамасдан қўғирчоқларини стол устига бирма-бир тахлаб қўйди.

Биз шундан сўнг, инглиз тили устида шуғулланишни бошладик. Лекин хаёлимда қаршимда ўтирган қўпол қилиб айтадиган бўлсак, "эрта қариган" қизалоқнинг хатти-ҳаракатлари такрор-такрор жонланаверди. Табиий савол туғилади: у бундай — фақатгина катталар ишлатиши мумкин бўлган ҳақоратомуз сўзларни ва урадиган "ёмон" боғча опа бўлишни кимдан ўрганаяпти?

Бу саволга бериладиган жавобларни ҳар томонлама қамраб олиш учун тарбиячи, психолог ота-оналарга мурожаат қилдик.

**Зулфия ҚАЮМОВА, психолог:**

— Одатда бундай ҳолат ҳар бир боланинг руҳий дунёсига боғлиқ. Чунки айрим болалар кичкиналигиданоқ шўх, тез киришимли, баъзилари индамас бўлади. Яна бошқалари эса ақл билан иш тутади. Яъни атрофидагиларни ҳар доим кузатади ва улардаги характер-хусусиятларини "юқтириб" олишади. Кўпинча ўз "ҳаққини ўзи ажратиб оладиган" кичкинтойлар бундай бўлмайди. Чунки улар ўзларини хафа қилдириб қўйишмайди-да. Лекин камсуқум, уятчангроқлар юқоридаги каби вазиятларни таҳлил қилишга, баҳоли қудрат тушунишга интиладилар. Сабаби, улар болаларнинг "эзилувчан қатламига" мансуб. Боланинг албатта энг асосий куни боғчада ўтганидан кейин унинг биринчи андоза оладиган кишиси боғча опаси бўлади. Тарбиячиларимиз қанчалик даражада хушмуомала бўлишса, энг пассив болани ҳам фаол ҳаракатлантиришга эришиш мумкин! Чунки улар ҳали нимжон ниҳол. Ниҳолни қайси томонга эгиб қўйсак, ўша томонга қараб ўсади.

Шу ўринда иккинчи объект қилиб бола яшаётган хонадондаги муҳитни ҳам ҳисобга олиш керак. Ота-она боланинг фикрларини бўғмасдан, секинлик ва мулойимлик билан уни яхши томонга йўналтириши қийин иш эмас. Биз болаларимизга ҳар хил урушлар, қароқчилар, "олабўжи"лар тўғрисида эмас, яхшилик, гўзаллик ҳақида гапиришимиз, нафақат гапиришимиз, балки амалий ишларимиз билан ўрнак бўлишимиз керак. Камоланинг ойиси, очиқчасига айтганда, педагогикадан хабардор эмас экан. Ушбу она қизчасининг бу каби ҳаракатларини кўрганда, уни чалғитиши, ҳар хил қарғишли сўзларнинг хунук эканлигини соддагина қилиб тушунтириши керак.

**Лутфия АЗИМОВА, тарбиячи:**

— Аксарият болалар катта ва тайёрлов гуруҳига ўтгач, тарбиячининг муносабатини тушунадиган бўлиб қолишади. Кўпинча гапларингиздан аразлаб қолади, борган сари эътиборталаб бўлиб боришади. Агарда сўз юритаётганимиз воқеага муносабат билдирадиган бўлсам, тарбиячининг бу каби ўта қўпол дакки бериши ва боланинг бошига уриши, умуман тарбия жараёнига хос бўлмаган хусусият. Агарда уйда она бундай сўзларни гапирмаса, кўчакўйдан, бувию холаларнинг муносабати Камолага таъсир ўтказмаган бўлса, бу ерда айбни тарбиячидан қидириш керак. Чунки кичкина болани биз кўпинча ҳеч нарсага тушунмайди деймизу, ваҳоланки, улар ҳар қандай яхши-ёмон гапларни тезда қулоғига "илиб" оладиган бўлишади.

**Нигора АБДУСАТТОРОВА, 4 ёшли Ҳасан Ҳусанларнинг онаси:**

— Менимча, бу масалада биринчи ўринда ота-онанинг ўрни сезилиши керак. Агарда она тез-тез боғчага бориб, қизининг ютуқлари нимада, камчиликлари нима эканлиги ҳақида қизиқиб, тарбиячи билан учрашиб турса, уларнинг ҳам болага бўлган эътибори ошади. Фақатгина орқаваротдан шикоят қилиб ўтиравергандан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Қизчаси "боғча опам мени урди", деб келган куни шартта боғчага борсин. Ахир, тарбиячининг болани уришга умуман ҳаққи йўқку! Қолаверса, бир-икки мана шундай боғча опалар дастидан одамларнинг бутун бошли жамоага ёки кўпчилик боғча опаларга нисбатан ҳурмати пасайиб кетади. Лекин унутмайликки, унақалар ҳар доим ҳам учраб туради. Фақатгина биз ота-оналар ва боғча маъмурияти бундай меҳрсиз "меҳрибонларнинг" фаолиятига ўз вақтида чек қўйишимиз керак. Унинг ўрнига қаерда ишласам экан деб ўйлаб юрган моҳир педагогларга яхши шароитлар яратиб, боғчага жалб қилинса, биз муҳокама қилаётганимиз каби "тарбиячилар" камаяди.

**Дилдора ЖАЛИЛОВА, шифокор:**

— Агарда, ҳақиқатдан ҳам тарбиячи болаларга шундай муносабатда бўлаётган бўлса, зудлик билан бунинг олдини олиш муҳим. Чунки болани урушга бир марта қўли борган тарбиячининг иккинчи марта ҳам бундай ишни қилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Айниқса, кичкинтойлар руҳиятига қўпол муносабатда бўлиш салбий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида эса бола тез таъсирланувчи, асабий бўлиб қолади. Натижада кичкинтойлар касалликларни енгиш учун куч-ғайрат топиш ўрнига, ўзлари ёлғиз қолишни истаб, ташқаридан қараганда худдики касалмандга ўхшаб тўюлаверади. Аслида эса улар руҳан носоғлом бўлишади. Ва яна бир муаммо, тарбиячи, энагалар болалар билан индивидуал ишлашлари камчилик ҳолларда кузатилади. Лекин ҳар бир йўналишда бола билан индивидуал ишлаш бола соғлиғи учун ҳам маънавий ривожланиши учун ҳам, катта фойда келтиради.

Азиз газетхон! Юқорида келтирган муносабатлардан хулоса ясашни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қиламизда, сўнгсўз ўрнида шуни таъкидламоқчимиз; болаларимиз қалби разиллик эмас, гўзалликка ошно бўлсин!

***Насиба ЭРХОНОВА,***
***"Маърифат" мухбири***

# ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИШ

**Замонавий умумтаълим мактабларида таълим ва тарбиявий фаолиятнинг ташкилий-педагогик асосларига доир янги адабиётларнинг ахборот-библиографик рўйхати**




**ТУЗУВЧИЛАРДАН:**

"Ижодий фикрлашни ўрганиш" номли ушбу адабиётларнинг ахборот рўйхатига республика илмий педагогика кутубхонаси жамғармасига 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида келиб тушган рус тилидаги педагогика ва педагогик психология соҳасига оид янги адабиётлар берилган.

Адабиётлар ўзининг илмий-тадқиқий ва ташкилий-педагогик фаолиятда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги учун танлаб олинди. Барча адабиётлар, системали тартибда, яъни, нашрларнинг муаллифлари ва сарлавҳалари ички қатъий алфавит тарзида сарлавҳа ва аннотация таржималари билан берилди.

Ушбу рўйхат орқали кутубхонага мурожаат қилиниб, керакли нашрлардан фойдаланиш мумкин ва рўйхат илмий ходимлар, ўқитувчилар, аспирантлар, педагогика билим юрти талабалари, умумтаълим мактаблари муаллимлари, тарбиячилар, мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари, мактаб кутубхоначилари ва ахборот маркази ходимларига мўлжалланган.

### УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА

Арнаутова Е.П. Педагог и семья — Педагог ва оила. -М.: Изд.дом "Карапуз", 2001. -264 с.

Ушбу қўлланмада мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ота-оналар билан мулоқот муаммолари атрофлича ёритилиб, янги қурилган оилалар билан ҳамкорлик қилиш учун тарбиячи-педагогларга амалий ёрдам материаллари берилган.

Блонский Н.Н. Педология. -М.: Гуманит. изд.центр. Владос, 2000. - 288 с.

Муаллифнинг ушбу асари боланинг ривожланиш жараёнини турли хил, яъни анатомо-физиологик, неврологик, руҳий, ижтимоий ва педагогик билимлар асосида яққол тасвирлаб беради.

Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика: Учеб. для вузов. -СПб.: "Интер", 2001. -304 с.

Қўлланма петербурглик мутахассислар томонидан педагогика ва педагогик руҳшуносликка оид педагогик назария ва амалиёт намуналари ҳамда тарихий очеркларни ўз ичига олган.

Бочкарев В.И. Директору школы о самоуправлении — Мактаб директори учун ўз-ўзини бошқариш ҳақида: Пособие для руководителей общеобразовательных школ. -М.: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. - 192 с. (Биб-ка руководителя образоват. учреждения).

Ушбу нашрда умумтаълим мактабларида ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш ва илмий-методик муаммоларни ечиш, мактаб маъмуриятининг ўз-ўзини бошқаришдан кўзлаган мақсад ва вазифалари нималардан иборатлиги билан таништирилиб, умумтаълим мактабларида ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш ишларини ташкил қилишга ўргатилади.

История социальной педагогики — Ижтимоий педагогика тарихи: Хрестоматия-учебник. -М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2001. -544 с.

Қўлланмада ижтимоий педагогиканинг ривожланиш босқичлари ва уларнинг қисқача тавсифи, таниқли руҳшунослар, педагоглар, файласуфлар биографияси ҳақида маълумотлар ҳамда уларнинг ижтимоий педагогикага доир ишларидан намуналар келтирилган. Нашр илмий педагог ходимларга, тарбиячи ва ўқитувчиларга мўлжалланган.

Костылов Ф.В. Учить по-новому: Нужны ли оценки — баллы — Янгича ўқиш: Балли — баҳолар керакми? Книга для учителя. -М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2000. - 104 с.

Қўлланмада ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини назорат қилиш муаммолари ва уни ечишга турлича ёндошиш ҳақида сўз бориб, таълим бериш тизимига балл-баҳолари қўйиш зарурлигини муаллиф таъкидлаб ўтади.

Кукушкин В.С. Введение в педагогическую деятельность — Педагогик фаолиятга кириш. -Ростов н/Д: Издательский центр "Март", 2002. -224 с.

Ушбу нашрда бўлажак педагоглар учун педагогик этиканинг асослари, уларнинг шаклланиши ва педагогик маданиятнинг ўлчов даражаси кабилар ёритилган.

Лещипский В.И., Кульпевич С.В. Учимся управлять собой и детьми — Ўзимиз ва болаларни бошқаришни ўрганамиз: Пед.практикум. -М.: Просвещение: Владос. 1995. -240 с.

Қўлланма ўқитувчиларнинг ўқувчилар жамоаси билан муносабати, ўқувчиларда ўзига ишончни ошириш, касбий маҳоратини шакллантиришга ёрдам берувчи ўйинлар, машқлар, тестлар ва бир қатор аниқ методикалар берилган.

Пидкасистый П.И., Портнов М.Л. Искусство преподования: Первая книга учителя — Дарс бериш санъати. -М.: Педагогическое общество России, 1999. -212 с.

Нашрнинг вазифаси педагогик технология асосларида тарбия ва таълим беришнинг илмий асосланган методларини қисқа муддатда ишлаб чиқиш ҳамда педагоглик касбининг маҳоратлари ҳақида китобхонни таништиришдир.

Рогозина Л.Д., Шуркова П.Е. Классное руководство: Формирование жизненного опыта у учащихся — Синф раҳбарлиги: Ўқувчиларда ҳаёт тажрибаларини шакллантириш. -М.: Педагогическое общество России, 2002. -160 с.

Ушбу қўлланмада болалар гуруҳлари билан ишни ташкил қилишнинг шакл ва методлари моҳияти очиб берилиб, амалий маслаҳатлар, касбга доир тавсиялар ва тарбия жараёнидаги тажрибалардан намуналар келтирилади.

Сергеева В.П. Классный руководитель: планирование и организация работы от А до Я — Ишни ташкил қилиш ва режалаштириш. - М.: Педагогическое общество России, 2001. -256 с.

Ушбу нашрда синф раҳбарининг ижодий фаолиятини шакллантириш ҳақида сўз боради. Қўлланмада "Синф раҳбари ким? У қандай бўлиши керак? Унинг мажбуриятлари нимадан иборат" каби саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Спутник классного руководителя — Синф раҳбарининг ҳамроҳи. -М.: Центр "Педагогический поиск", 2001. -193 с.

Ушбу қўлланма умумтаълим мактабларида тарбия билан шуғулланувчи барча раҳбарларга мўлжалланган бўлиб, унинг афзаллик томонларини ўқиб билиб оласиз.

Сравнительная педагогика — Қиёсий педагогика: Организационно-педагогические условия реализация зарубежного опыта социального партнерства в сфере подготовки конкурентноспособных кадров в система ССПО. -Т.: Институт развития ССПО. 2001. -154 с.

Қўлланмада Европа давлатларида кадрлар тайёрлашнинг умумий турлари ва касбий таълим доирасида ижтимоий ҳамкорлик тажрибалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонда касбий таълимнинг ташкилий-педагогик шарт-шароити ва келажакда ижтимоий ҳамкорликнинг ривожланиш тизимлари очиб берилган.

Трайнев В.А. и др. Интенсивные педагогические и информационные технологии — Илғор педагогик ва ахборот технологиялари: Теория и методология учебных деловых игр. -М.: Прометей, 2000. - 257 с.

Ушбу нашрда олий ўқув юртларининг амалга оширган ишлари, ўқув ҳамда амалий ўйинларнинг методологиясини ташкил этиш, уларнинг назарий асослари ҳақида сўз боради.

Фишман Л.И., Фишман И.С. Управление и руководство школой — Мактабни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш: Алгебра ва гармония. -М.: Сентябрь, 2001. -160 с.

Бошқариш мақсади қўйилган ушбу қонунийлик ҳисобланган "алгебра" атамаси мазмунида муаллифлар режалаштирилган мактаб ишларини амалга ошириш, таҳлил қилиш ва ташхисни аниқлаш ҳамда назорат олиб бориш каби вазифаларни, ушбу нашрда, раҳбарнинг юқори даражадаги ташкилотчилигини юзага чиқаришда деб тушунтирилади, шунингдек, таълим муассасаларида аттестация ўтказиш тажрибаларидан намуналар ҳам келтирилган.

Цирульников А.М. История образования в портретах и документах — Ҳужжат ва портретларда таълим тарихи. -М.: Гуманит. изд. центр. Владос, 2001. -272 с.

Қўлланмада педагогика тарихи курсига оид материаллар, Россиянинг давлат ва жамоатчилик мактаблари орасидаги ўзаро муносабатлар баён қилинади. Бундан ташқари, нашр ноёб архив материалларини, диплом ва курс иши мавзуларини, жаҳон таълими тарихи билан боғлиқ кам ўрганилган муаммоли масалаларни ўз ичига олган.

### ТАРБИЯ МЕТОДИКАСИ

Буйлова Л.Н., Кочнева С.В. Организация методической службы учреждений дополнительного образования детей — Қўшимча таълим муассасаларида болаларга методик хизматни ташкил қилиш: -М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2001. -160 с. (Воспитание и доп. Образование детей).

Ушбу қўлланмада қўшимча таълим муассасаларида болаларга методик хизматни ташкил қилиш юзасидан тавсиялар, педагоглар, методик хизмат ташкилотчиларининг ишлари берилади, шунингдек, қўшимча таълим муассасалари раҳбарларининг методик фаолияти таништирилади.

Джордж Де Р.Т. Деловая этика — Ишга алоқадор этика: Пер. с англ. Р.И.Столпера. -Спб.: Экономическая школа, -М.: Изд-я группа "Прогресс", 2001. -Т.1. -496 с. -Т.2.-560 с.

Бу қўлланма ўз ичига тизимли ёндошувни олган бўлиб, жуда кенг қамровли ҳисобланади. Айниқса, АҚШнинг иқтисодий тизими мисол тарзида акс эттирилади. Ушбу дарслик ўқитувчи ва талабаларга, шунингдек, жамият олдидаги жавобгарлик туйғуси муаммоларига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Живая этика: 1-4-класс: Программа и тематическое планирование (экспериментальная программа) — Соғлом этика: дастур ва мавзули режалаштириш: -Т.: Янги аср авлоди, 2002. -23 б.

Ушбу нашр 1-4-синфларда этика предметини ўрганиш учун экспериментал дастур ҳамда мавзули режалаштириш тарзида тавсия этилмоқда. Дастурда асосий эътибор инсоннинг маънавий-маърифий ривожланиши муаммоларига қаратилган.

Здоровое поколение — будущее Узбекистана — Соғлом авлод — Ўзбекистон келажаги: Опыт, приоритеты и результаты формирования (Детский фонд Узбекистана). -Т.: Ўзбекистон, 2001. -71б.

Ушбу нашр Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган бўлиб, дастурда соғлом авлодни вояга етказиш, она ва бола — оилани ҳимоя қилиш дастури шаклланишида уларга шароитни яхшилаш юзасидан қилинган ишларга ижобий ёндошилиб, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар тарбияси бўйича уларнинг керакли маълумот олишлари ҳақида сўз боради.

Курочкина И.Н. Современный этикет и воспитание культуры поведения у дошкольников: Учеб. пособие для студ. высш. учеб.заведений — Мактабгача ёшдаги болаларнинг маданий тарбияси ва замонавий ахлоқ-одоб қоидалари. -М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2001. -224 с.

Ўқув қўлланмада мактабгача ёшдаги болаларни замонавий ахлоқ-одоб қоидалари асосида тарбиялаш ҳақида фикр юритилиб, у ўсиб келаётган авлод тарбияси бўйича қизиқувчиларга, педагог ва талабаларга мўлжалланган.

Мировой опыт организации и реализации воспитания детей и учащихся — Болалар ва ўқувчи-ёшлар тарбиясини ташкил қилиш ва уни амалга оширишдаги жаҳон тажрибалари: Материалы Всероссийской научно-практической конференции. -М.: Педагогическое общество России, 2001. -256 с.

Бу тўпламга Бутунроссия илмий-амалий конференцияси қатнашчиларининг маърузалари, уларда билдирилган асосий фикрлар киритилган.

Рожков М.И., Байбородова Л.В. Организация воспитательного процесса в школе — Мактабда тарбия жараёнларини ташкил қилиш. -М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2001. -256 с.

Нашрда замонавий мактабларда ўқувчи тарбияси ва тарбия жараёнларини ташкил этиш асослари ва технологиялари кенг баён қилиниб, асосий эътибор синф раҳбари, педагогларнинг иш методикасига қаратилган.

Селиванов В.С. Основы общей педагогики: Теория и методика воспитания — Педагогиканинг умумий асослари: Тарбия назарияси ва методикаси. -М.: Издательский центр "Академия", 2000. -336 с.

Ушбу нашрда педагогика назариясини ўқитиш ва ўқувчи шахси шаклланишидаги яхлит жараён бўлмиш тарбия, педагогик фаолият, педагогик тизимга оид жараёнлар, тажрибалар аҳамияти, асослари очиб берилади.

Сизова Л.С. Теоретические основы методики музыкального воспитания в школе — Мактабда мусиқа тарбияси методикасининг назарий асослари. - М.: Институт практической психологии, 1997. -104 с. Бу қўлланманинг мақсади мактабда мусиқа тарбияси методикасини ўқитувчи ва талабаларга кенгроқ ёритиб беришдир. Бу нашр олий ўқув юрти педагоглари ва талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унга маърузалар, дастурлар, амалий материаллар ҳамда ёзма ишлар тўплами ҳам киритилган.

### ПЕДАГОГИК РУҲШУНОСЛИК

Белова Е.С. Одаренность малыша: Раскрыть, понять, поддержать — Кичкинтой иқтидори: уни очиб бериш, қўллаб-қувватлаш, тушуниб етиш. М.: Московский психолого-социальный институт: Флипта, 1998. -144 с.

Кичкинтой иқтидори нима дегани? Уни ривожлантириш мумкинми? Гўдакнинг иқтидорини қандай аниқлаш мумкин? Кичкинтой иқтидори ҳақида қайси ёшдан бошлаб гапириш керак? Бу нашрни ўқиб юқоридаги саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Гриншнун И.Б. Введение в психологию — Руҳшуносликка кириш. -М.: Институт практической психологии,1997. -152 с.

Қўлланмада махсуслаштирилган курсларда руҳшуносликни ўрганувчиларга муаммолар оламига кириш борасидаги тушунчалар мукаммал ёритиб берилган.

Ермолаева М.В. Психологические рекомендации и методы развивающей и коррекционной работы с дошкольниками — Мактабгача ёшдаги болалар билан иш олиб боришни ривожлантириш ва яхшилашдаги психологик тавсия ва методлар. -М.: Институт практической психологии; Воронеж: Изд-во ИПО "Модэк", 1998. -176 с.

Ушбу нашр гўдакнинг ривожланишида керакли методларни ўз ичига олган бўлиб, ривожланишда турли хилдаги руҳий кечинмалар хусусида сўз боради.

Красило А.И., Новгородцева А.П. Статус психолога и проблемы его адаптации в учебном заведении — Ўқув муассасаларида руҳшунос ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг мослашиш муаммолари. -М.: Институт практической психологии; Воронеж: НПО "Модэк", 1998. -192 с.

Педагогик жамоа ва маъмурият, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш руҳшунос ишининг бошланғич босқичидаги турли вазиятларда унинг таъсир даражаси ва келажак ишининг шароитларига боғлиқдир. Ушбу қўлланма жамоа ичида бир-бирини ўзаро тўғри, ижобий тарзда тушуниш муаммоларига бағишланган.

Лаак Я. Психодиагностика: проблемы содержания и методов — Руҳий диагностика: Тузилиш муаммолари ва методлари. - М.: Институт практической психологии; Воронеж: НПО "Модэк", 1996. 381 с.

Бу нашрда фаннинг тизимли моҳияти асослари берилиб, охирги ўн йилликда олинган руҳий диагностика бўйича янги маълумотлар келтирилган.

Қўлланма нафақат бўлажак руҳшуносларга, балки, бошқа ижтимоий фанларни ўрганувчи талабаларга ҳам мўлжалланган.

Лурия А.Р., Цветкова Л.С. Нейропсихология и проблемы обучения в общеобразовательной школе — Умумтаълим мактабларида нейропсихологияни ўқитиш муаммолари. -М.: Институт практической психологии; Воронеж: НПО "МОДЭК", 1996. -64 с.

Нашр асосан нейропсихология ҳақида бўлиб, унда ўқитувчи ва ўқувчи руҳияти, функциявий жараёнларнинг мияга бўлган таъсири қандайлиги ҳақида сўз боради.

Палагина Н.Н. Воображение у самого истока: Психологические механизмы формирования — Бошланғич таассуротлар: шаклланишнинг руҳий механизмлари. -М.: Институт практической психологии, 1997. -136 с.

Ушбу қўлланмада предметлар ёрдамида ҳаракатли ўйинлар, гўдакларнинг кундалик ҳаётдаги катталар билан мулоқотида тасаввурга эга бўлиши ҳақида маълумотлар берилиб, махсус тарбия масканларига методик ишланмалар билан бойитилган.

Психология-Руҳшунослик. -Спб.: Питер, 2002. -656 с. (Серия "Учеб. нового века").

Ушбу дарсликда фан сифатида руҳшунослик асослари баён қилиниб, унинг вужудга келиши, тарихи ва методлари ҳақида сўз боради. Дарслик ўқитувчилар, ижтимоий фанлар мутахассислиги бўйича 1-2-курс талабаларига ва шу соҳа билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Пряжников Н.С. Психологический смысл труда — Меҳнатнинг руҳий моҳияти: Учебник пособие к курсу "Психология труда и инженерная психология". -М.: Институт практической психологии; Воронеж: НПО "МОДЭК", 1997. -352 с.

Нашрда касбий фаолиятни ўзи белгилаш, меҳнат руҳшунослигининг асосий тушунчалари муаммоли режаларда берилиб, қўлланма меҳнат руҳшунослиги, муҳандислик руҳшунослиги ва бошқа курсларни ўрганувчи талабаларга мўлжалланган.

Реан А.А., Бордовская И.В. и др. Психология и педагогика — Руҳшунослик ва педагогика. Спб.: Интер, 2001. -132 с.

Ушбу қўлланма инсон руҳи, хотиранинг ишлаш тартиби асослари, эътибор, фикрлаш тўғрисидаги руҳий омиллар ва ўзини идора этишнинг ўзига хос хусусиятлари, шахслараро муносабат ва фаолият, инсон тарбиясининг турли йўллари ва чоралари ҳақида ахборот беради. Жаҳонда таълим олишнинг кўринишлари ва турлари, мактаб ва олий ўқув юртларида таълим бериш асослари ва ўзига хосликлари тўғрисидаги билимларга талабаларнинг қизиқишлари, уларнинг талабларини қондиришга ёрдам берувчи манба ҳисобланади.

Советова О.С. Основы социальной психологии инноваций — Ижтимоий руҳшуносликда инновация асослари. Спб.: Изд-во С.-Петербургского унта, 2000. -152 с.

Терминлар кўриб чиқилган қўлланма малака ошириш курслари тингловчилари, олий ўқув юрти талабалари ва аспирантларга мўлжалланган.

Циркин С.Ю. Справочник по психологии и психиатрии детского и подросткового возраста — Болалар ва ўсмирлар руҳшунослиги бўйича маълумотнома. -Спб.: Изд-во "Петер", 2000. -752 с.

Китобхон ушбу қўлланмадан болалар ва ўсмирлар руҳшунослиги бўйича кенг миқёсдаги ахборотни олиши мумкин. Нашр руҳшунослар, руҳий терапевтлар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Шаграева О.А. Детская психология: Теоритический и практический курс — Болалар руҳшунослиги: назарий ва амалий курс. -М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2001. -368 с.

Ушбу қўлланмада болалар руҳшунослигининг муҳим муаммолари акс эттирилган бўлиб, бола ва ўсмирларнинг ривожланиши, билим олиш муаммолари, муомала муносабатлари чет эл ва жаҳон руҳшунослигидан мисоллар билан келтирилган. Нашр ота-оналар, болалар руҳшунослигини мустақил ўрганувчилар ва талабаларга мўлжалланган.

Шевандрин Н.И. Социальная психология в образовании — Таълимда ижтимоий руҳшунослик: концептуальные и прикладные основы социальной психологии. -М.: Владос, 1995. -544 с.

Ижтимоий руҳшуносликда шахс, шахслараро муносабатлар ва кичик гуруҳларда тасаввурга ёндошишнинг асослари ҳамда шахс ва гуруҳларни аниқлаш, бошқариш ва ривожлантириш методлари кўриб чиқилган. Ушбу нашр руҳшунос ва педагог ходимлар иш фаолиятида қўл келади, тузатилган махсус машқлар тадбирларидан намуналар билан бойитилган.

*Тузувчилар:*
***М.ДИЛМУРОДОВА, М.ГАПАРОВА, Ю.ИЛЬЯШЕНКО***

# ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ КИТОБХОН БЎЛИШСИН

Нега бугунги кун ўқувчиси китоб ўқимайди? Бу — матбуотда тез-тез кўзга ташланаётган ва афсуски, ечимини тўлақонли топа олмаётган муаммолардан биридир. Хўш, нега шундай? Кўпинча катталар бунга телевидение ва видеони сабаб қилиб кўрсатишади. Аслида ҳам шундаймикин? Балки катталар ўзлари ёшларни китобхонликка ўргата олишмаётгандир. Ёки уларни ўзига торта оладиган асарларнинг камлиги сабаб бўлаяптими бу ҳолга?

Нафсиламбирини айтганда, бу фикрларнинг ҳаммасида жон бор. Лекин асосий сабаблардан бири, бизнингча, мактаб кутубхоналари билан боғлиқ.

Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги 35-мактаб кутубхонасининг иш фаолияти айнан ана шу муаммони ҳал этишга қаратилган. Асосий мақсад — мактабдаги 2064 нафар ўқувчининг барчасини китобхон қилиш. Лекин бунга қандай эришилади? Бу ҳақда мактаб кутубхона мудираси Нодира Хўжаева ҳамда кутубхоначи Ўғилой Тўхтаевалар шундай дейишди:



— Мактаб 1993 йил 8 декабрда ишга тушган. Ўша пайтда кутубхонамиз 4000 та китоб фондига эга бўлиб, унинг асосий қисмини дарсликлар ташкил этарди. Ҳозирги кунга келиб, бу рақам 10131 тага етди. Сиртдан қараганда, 2064 нафар ўқувчиси бўлган мактаб учун бу етарли эмас. Лекин бу ўринда бир нарса муҳим: кутубхона ўқувчилар кўмаги билан бойиди. Ўтган йили 7-синф ўқувчилари ташаббуси билан бошланган "Ҳамма яхши китоблар ўз кутубхонамизга!" ҳаракати натижасида зиё масканимиз ранг-баранг асарларга эга бўлди. Яна ўша ташаббускор ўқувчиларнинг ўзлари китобларни саралаш ва гуруҳлашда кутубхоначиларга ёрдам беришдан ташқари, ўз синфларида мактаб кутубхонасининг филиалини очдилар. Бу мўъжаз кутубхонанинг ўз кутубхоначисидан тортиб каталогларигача бор.

Кутубхона фондини бойитишда ҳомийлар ёрдамини ҳам эътироф этиш жоиз. Жумладан, Бухоро ғишт заводи ҳамда вилоят касаба уюшмалари қўмитаси (раис — Ш.Ихтиёрова) томонидан кўмак берилди.

Ўқувчи-ёшларда китобга муҳаббат уйғотишда турли кўрик-танловларнинг ҳам аҳамияти катта.

Мактаб миқёсида ўтказиладиган тадбирлар ҳам бевосита кутубхона ҳамкорлигида ташкиллаштирилади ва бу ҳолат унинг иш режасида акс этган.

Ҳозирги кунда кутубхона 24 хилдаги нашр обуна фондига эга. Мазкур кутубхона 2001-2002 ўқув йилида "Йил кутубхонаси" республика танловида ғолиб бўлди. Бу ғолиблик кутубхонага кўрк, файз ва албатта, ўқувчиларга қулайлик бахш этди. У керакли ашёлар билан жиҳозланди. Энг муҳими, ўқувчилар кутубхонага, китобга интилишяпти.

***Р.РАТНЕР***

# СОВҒА ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ

**Айни пайтда мамлакатимиз мактаб кутубхоналари фондини бойитиш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилаётгани сир эмас. Мактабнинг битирувчи ўқувчилари ва 1-синфга қадам қўйган болажонларнинг эсдалик қолдириш ниятида мактаб кутубхонасига китоб совға қилишлари ҳам анъанага айланиб бораётир. Айрим шахсларнинг ўз шахсий кутубхоналарини мактаб кутубхонасига ҳадя қилишлари ҳам фикримизни далиллайди. Жорий йилнинг февраль-март ойларида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан "Мактаб — кутубхона — оила— жамоат ташкилотлари" хайрия тадбирининг ўтказилишини ҳам кутубхоналарни адабиётлар билан тўлдириш, ўқувчиларда китобга бўлган муҳаббатни кучайтириш, ахборот олиш маданиятини тарбиялаш ва мактаб кутубхонасига бўлган эътиборнинг бир дебочаси, дейиш мумкин. Мазкур тадбирларда мактаб кутубхонасига асосан китоб совға қилинади. Бу китоблар эски нашрдаги нархи ёзилмаган лекин, ўқув жараёни учун керакли китоблар бўлиши мумкин. Энг асосийси, кутубхоначилар ушбу совға қилинган китобларни расмийлаштирмайдилар. Зеро, армуғон қилишга маъқул деб топилган бундай китобларни қандай жиҳозлаш мумкин? Бунда жиҳозлашнинг бир неча чизмаси борлигини айтиб ўтиш жоиз. Кимдир китоблар номини инвентар дафтарига ёзади, кимдир алоҳида дафтарга қайд этади, лекин буни қай тарзда тўғри ҳал этиш мумкин?**

**Аслида кутубхоналарда ҳисобга олинмаган нашрлар бўлмаслиги, барча нашрлар у ёки бу ҳужжатда қайд этилган бўлиши керак. Бу фикрга мактаб кутубхоначилари ҳам қўшиладилару, аммо айримлари шунчаки дафтар тутиб, унга "Совғалар" деб ёзиб қўйишади. Натижада олинган барча китоблар нархи кўрсатилмаган ҳолда расмийлаштирилади.**

**Назорат- тафтиш бошқармаси ходимлари тушунтириш хатида эса бундай тавсия аниқ далил бўлиб ҳисобланмайди. Бошқарма кутубхона жамғармасини текшириш вақтида барча олинган нашрлар бўйича ўзининг кўрсатмасига таяниб иш кўради. "Совға" қилинган китоблар йўқолган ҳолатда уларнинг нархини ҳужжатлар бўйича китобхонга маълум қилишда кутубхоначи қийналмайди.**

**Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан ишлаб чиқилган "Кутубхона жамғармасини ҳисобга олиш" методик тавсияларида ("Маърифат", 2001 йил 11 август, № 63-64) "Мактаб кутубхона жамғармасига кирувчи нашр ва материалларнинг барча тури жамғарма ҳисобига тегишлидир. Улар кутубхонага келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга киритилади. Бу жараён ҳужжатлар орқали (далолатнома, ҳисоб-китоб қоғози, чиқим қоғози) билан расмийлаштирилади. Иловасиз ҳужжатлар билан олинган совға тариқасида ёки йўқолганлари ҳисобига олинган китоблар) адабиётлар бўйича ҳам далолатнома тузилади", дейилади.**

**Бу ҳужжатда "совға" қилинган китобларни жиҳозлаш ва баҳолаш тўғрисида алоҳида ёзилмаган. Аммо кутубхона ҳукумат томонидан белгиланган қайта нарх қўйиш коэффиценти бўйича китоблар нархини белгилаш ҳуқуқига эга. Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг "Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар тарғиботи ва 2001 йил Давлат бюджетининг параметрлари" номли 500-сонли қарори бандларини бажариш мақсадида кутубхоналар ўзларининг ҳисобхоналари билан биргаликда фондларини қуйидаги тартибда баҳолашлари керак:**

**—2000 йилгача олинган бадиий адабиётлар 2,4 коэффицент, 2000 йилдан — 1,0 коэффиценти билан қайта баҳоланади;**

**— 2000 йилгача олинган болалар адабиёти — 3,1, 2000 йилдан 1,0 коэффиценти бўйича баҳоланади;**

**— 2000 йилгача бўлган маълумот ва техник адабиётлар — 4,3, 2000 йилдан — 1,0 коэффиценти бўйича қайта баҳоланади.**

**Мисол учун:**

**Айний С.**

**Эски мактаб. — Т.: "Ўзбекистон Давлат нашриёти", 1955. —1с. 75т.**

**Ҳозир: 1с. 75х3.1 (коэф.)-5с.45т.**

**Кутубхоначи совға қилинган китобларни баҳолашда масалани ижобий ҳал қилиш кераклигини ҳис қилган ҳолда ёндошмоғи, хусусан, моддий масъулиятни чуқурлаштирмаслик учун унга баланд нарх қўймаслиги ва албатта китобларни инвентар ва жамлаш дафтарига киритмоғи лозим.**

**Кутубхонага нархи кўрсатилмаган нашрлар совға қилинган бўлса, бундай ҳолда кутубхоначи махсус комиссия тузиб, унга худди шу адабиётга мазмунан ўхшаш китобни топиб, нархини қўйган ҳолда баҳолаши мумкин.**

**Сир эмаски, кутубхонада китоблар йўқолиб туради. Бундай ҳолда кутубхоначи Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сонли "Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг VIII — "Кутубхоналарнинг талабномалари бўйича қайтарилмаган китоблар, бошқа босма асарлар ва кутубхоналар заҳирасидан олинган ўзга материаллар учун қарзни ундириш" бандига асосан иш тутади. Яъни: "Китоблар, босма асарлар ёки материаллар китобхон томонидан йўқотилган бўлса ва уни кутубхонага қайтаришнинг иложи бўлмаса, айнан шундай адабиёт ёхуд тенг қийматли адабиёт ёки алмаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда уларнинг қиймати 10 баравар миқдорда ундириб олиниши керак бўлади".**

**Юқоридаги тадбирларни бажараётганда кутубхоначи кутубхонани кераксиз ёки камроқ аҳамиятли нашрлар билан тўлдирмаслиги лозим. Шу боис техникага доир совға китобларга эътибор бериш тавсия этилади. "Мактабда радио" қўлланмаси, айтайлик, 1953 йилда чоп этилган бўлишига қарамай унинг "Техника тарихи" деган қисми фойдаланиш учун яроқли бўлиши мумкин. Компьютер технологиясига оид нашрлар ҳам тез эскириб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун бу ҳақда информатика ўқитувчиси билан маслаҳатлашиб олиш фойдадан холи бўлмайди. Ижтимоий мавзудаги, публицистик характердаги китоблар, тарихий мемуарлар ва тадқиқотларни қабул қилишда ҳам эҳтиёткорлик талаб этилади. Шунингдек, мамлакат географияси соҳасида ҳам ўзгаришлар юз беради.**

**Мактаб кутубхоналарига юпқа муқовали нашрларни иложи борича қабул қилмаслик лозим бўлади. Чунки, уларни кутубхонада кўп вақт сақлаб бўлмайди. Кутубхонага кўпроқ янги лотин алифбосидаги адабиётларни олишга ҳаракат қилмоқ керак.**

**Шундай қилиб, совға қилинган ёки йўқолганлари ўрнига келган китобларнинг нархини расмийлаштираётганда бозор баҳосидан иборат омилларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.**

***Д.ҒАНИЕВА***
*тайёрлади.*

**Birgina o'tgan yilning o'zida o'ttizga yaqin darslik, o'quv qo'llanmalari, risola va lug'atlarning Fanlar akademiyasi olimlari tomonidan e'lon qilinishining o'ziyoq masalaga jiddiy yondoshilayotganligidan dalolat berib turibdi.**



*Milliy dastur — amalda*

# ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

Бундан ўн йиллар аввал мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олган йигит-қизлар университет ёки институт аудиториялари ва лабораторияларидан четга чиқишмас, худди шунингдек, илмий-тадқиқот муассасаларининг олимлари ҳам ўз кашфиётлари ташвишларидан ортмас эдилар. Бўлажак олий маълумотли мутахассислар оладиган билимлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта бўлиши учун уларни илмий лабораторияларга жалб этиш ва ўз навбатида салоҳиятли олимларимизни талабалар ҳузурида маърузалар ўқишга таклиф этиш ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Ана шундай бир пайтда мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам учрамайдиган ва халқаро меъёрларга тўла жавоб берадиган тамомила янги таълим тизимига асос солиниши бу йўлдаги имкониятлар эшикларини очиб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий-тадқиқот институтлари олимлари мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган фундаментал ҳамда амалий ишланмалар устидаги изланишларни изчил олиб бориш билан бирга, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда ҳам фидойилик кўрсатаётганликлари фикримизнинг далилидир. Мамлакатимизнинг 38 та олий ўқув юрти билан махсус тузилган дастур асосида олиб борилаётган ҳамкорлик нафақат малакали кадрлар тайёрлашда, балки магистрлар етиштириш, уларни аспирантура ва илмий тадқиқот муассасаларига йўналтиришда ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Ядро физикаси институтида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидан 8, Ўзбекистон Миллий университети физика факультетидан 5 нафар магистр таълим олди. Мазкур институт илмий ходимлари олий ўқув юртлари талабаларига назарий ва амалий дарс ўтиш билан бирга 7 магистрнинг диссертация ишига раҳбарлик ҳам қилдилар. Шунингдек, "Иссиқлик физикаси" бўлимида Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университетининг 6 нафар магистри ҳамда 21 бакалаври юқори малакали мутахассислар бошчилигида ўз илмий изланишларини амалга оширдилар. Агар, астрономия институти олимлари юқорида айтилган олий ўқув юртлари талабаларига "Галактик астрономия", "Умумий астрономия", "Қуёш физикаси", "Астрофизика" фанларидан маърузалар ўқиб, диплом ишларига раҳбарлик қилган бўлсалар, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти лабораторияларида Тошкент автомобиль йўллари, архитектура ва қурилиш, темир йўл транспорти муҳандислари, тўқимачилик ва енгил саноат институтларининг магистрлари амалий машғулотлар ўтишди.

Тарих институтининг профессори Д.Алимова раҳбарлигида Д.Зиёева, Г.Аъзамова, Э.Каримов, Р.Сулаймонов, А.Ашуров сингари олимларнинг Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат педагогика университети магистрларига "Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати", "Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари", "Сўнгги ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида шаҳарлар ва шаҳар ҳаёти", "Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи", "Ўрта Осиё археологияси", "Ўзбек халқининг маънавий маданияти" мавзуларида ўқиган маърузалари катта қизиқиш уйғотган бўлса, иқтисодчи академик И.Искандаров, иқтисод фанлари номзодлари М.Комилова, Г.Ғуломова, Б.Саидбекова каби олимлар томонидан Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Тошкент бўлими талабаларига "Меҳнат бозори", "Хорижий шарқ мамлакатларида инвестиция муаммолари", "Макроиқтисодиёт", "Жаҳон иқтисодиёти" курслари бўйича ўқилган маърузалари ҳам қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди.

Ҳамкорликнинг бундай усули талабаларга нима бераяптию, олимларга нима бераяпти, деган савол туғилиши табиий, албатта. Агар, талабалар Фанлар академиясининг олимлари билан юзма-юз бўлиб, уларнинг бой билим ва тажрибаларидан баҳраманд бўлаётган бўлсалар, олимлар ўз соҳаларининг иқтидорли, фаннинг у ёки бу йўналишига қизиққан, унинг сир-синоатларини ўрганишга ташна бўлган ёшларни танлаш имкониятига ҳам эга бўляптилар. Айни пайтда талабалар ўрганилган мавзуларнинг янгиликларию, олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан ҳам воқиф бўладилар. Талаба билан тадқиқотчи олим ўртасидаги бундай очиқ мулоқот уларнинг мураккаб масалаларни ечишга бўлган интилишларини ҳам кучайтириши шубҳасиздир.

— Олий ўқув юртлари билан тузилган шартномага асосан, олимларимиз университет ва институтлар ўқитувчиларининг илмий ишларида услубий ёрдам кўрсатиб, қўлланмалар тайёрлашмоқда ҳам бевосита кўмаклашмоқдалар, — дейди Фанлар академиясининг илмий кадрлар бошқармаси бошлиғи Сирожиддин Каримов, — шунингдек, вилоятларимиз олий ўқув юртларининг кўплаб ёшлари илмий муассасаларимиз профессорлари раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб қайтаётганликлари ҳам "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этишда муҳим қадам бўлмоқда. Шу билан бирга университет ва институтларда илмий муассасаларимиз томонидан ўтказилаётган илмий-амалий конференция ва семинарлар, биргаликда тайёрланаётган дарсликлару ўқув қўлланмалари ҳам илмий ҳамда илмий-педагог кадрлар етиштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда олий ўқув юртларининг ўқитувчилари Фанлар академияси илмий муассасаларида тажриба орттириб, ўз малака ва маҳоратларини оширмоқдалар.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ўттизга яқин дарслик, ўқув қўлланмалари, рисола ва луғатларнинг Фанлар академияси олимлари томонидан эълон қилинишининг ўзиёқ масалага жиддий ёндошилаётганлигидан далолат бериб турибди. Олий ўқув юртлари талабалари, магистр ва бакалаврлари, аспирант ва илмий ходимлари учун мўлжалланган А.Бахиевнинг "Ўсимликлар экологияси", П.Мирҳамидова, А.Зикирёева, С.Долимовалар қаламига мансуб "Биокимё", Н.Маҳкамов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳининг "Навоий гулшанига саёҳат" тест саволлари тўплами, академик С.Рашидованинг Э.Назиров ва Т.Усмоновлар билан биргаликда тайёрлаган русча-ўзбекча-инглизча "Полимер соҳасида атамалар луғати" ана шулар жумласидан бўлиб, бундай мукаммал адабиётлар олий ўқув юртлардаги таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

*Taqriz*

# АСҚОТАДИГАН ҚЎЛЛАНМА

Баҳром Тошмуродовнинг "Бошланғич синфларда математика фанини ўқитишни такомиллаштириш" қўлланмасида махсус курс дастури бўйича назария, амалиёт ва методикага доир материаллар баён қилинган. У педагогика институтлари ва университетларнинг бошланғич таълим методикаси факультетлари талабалари билан математика ўқитиш бўйича махсус курс, факультатив машғулотлар ўтказиш, диплом ва курс ишлари тайёрлашда жуда асқотади.

Ҳозирги вақтда янги дастур, режа ва дарсликлар нашр этилмоқда. Математикани ўқитишдан кузатилган бош мақсад — кичик ёшдаги болаларда миқдорий муносабатлар ва фазовий тасаввурларни шакллантиришдан иборат. Бундай масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этиш бошланғич синф ўқувчиларининг математик тушунчалар ва қонуниятларни пухта билишларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Бошланғич синфларда математика ўқитишни такомиллаштиришга имкон берадиган асосий манбалардан бири ўқитувчининг илмий-назарий билимлари савияси эканлиги ҳаммага маълум. Шу сабабли ушбу қўлланмада бўлажак ўқитувчиларнинг билиши зарур бўлган назарий ва методик масалалар содда тилда ёритиб берилган.

Кичик ёшдаги ўқувчилар биринчи синфдан бошлаб исмли сонлар устида арифметик амалларни бажаришга ўрганадилар. Масалан, 10 л, 3 см, 5 кг ва ҳоказо. Бундай топшириқлар устида ишлаш ўқитувчилардан исмли сонлар устида арифметик амалларни бажариш қоидаларини билишини талаб қилади. Исмли сонлар билан ҳамма вақт ҳам амалларни бажариш мумкин бўлавермайди. Масалан, 3 кг, 2 кг, 2 л, 5л каби мисолларнинг маъноси йўқ. Ўқитувчи ўлчовларни йириклаш ёки майдалаш, мураккаб исмли сонларни бир хил исмли сонга келтириб, арифметик амалларни бажариш қоидаларини яхши ўзлаштириб олган бўлиши керак.

Янги дастурга кўра, бошланғич синфларда ўрганиладиган геометрик материал ҳажми анча кенгайтирилган. Биринчи синф математика дарслигида нуқта, тўғри чизиқ, кесма ҳақида ҳар хил мисол ва топшириқлар берилган. Бу материалларни ўрганиш етарлича кўрсатмали чизмалар ва хилма-хил тасвирларга асосланиб олиб борилади. Шу сабабли, нуқта ва тўғри чизиқнинг асосий математик тушунча эканлиги, уларни таърифлаш мумкин эмаслиги, аксиомалар орқали ифодаланиши ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси билиши шарт.

Бошланғич синф математикасида ўқувчиларни оғзаки ҳисоблашга ўргатиш ва уларнинг бу борадаги малакаларини доимий оширишнинг нақадар зарурлигини ўқитувчилар яхши билишади. Маълумки, ўқувчилар ҳар бир дарсда оғзаки ҳисоблаш ишларини бажарадилар. Бу борадаги усулларни билишса-да, уларнинг малакалари юқори савияда эмас, тез ҳисоблаш ва уни мияда бажариш талаб даражасида деб бўлмайди. Ўқитувчи бу ишни муваффақиятли ҳал этиши учун оғзаки бажариладиган машқлар сонини янада кўпайтириш, оғзаки арифметик амалларнинг ўрнини алмаштириш, гуруҳлаш, тақсимот хоссаларидан ва улардан кейин чиқадиган натижалардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтиш фойдалидир. Қўлланмада оғзаки ҳисоблашнинг аҳамияти, усуллар, уни бажаришдаги умумлаштириш, шу хилдаги дарсларни ташкил этиш, уни ўтказишга оид кўплаб машқлар келтирилган. Оғзаки ҳисоблашга ўргатишда йўл қўйиладиган хатоликларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш тўғрисида ҳам бир қатор маслаҳатлар берилган.

Математика, бу иқтисод илми. Биз бунга чиройли таъриф бериб, "фанларнинг отаси" деймиз. Бу ҳақиқат яна шу билан ўз исботини топадики, математикани пухта ўзлаштирган бола бошқа фан асосларини эгаллашда умуман қийинчилик кўрмайди.

Баҳром Тошмуродовнинг "Бошланғич синфларда математика ўқитишни такомиллаштириш" (Т.: "Ўқитувчи" — 2000) деб номланган қўлланмаси математик тушунчаларни умумлаштириш, математик нутқ, таъриф, фикр ва мулоҳазаларни математик тилга кўчириш орқали ўқувчиларни рақамлар, ҳарфлар, турли белгилар ва ишораларнинг ўрнини билиб олиш, мавҳум тушунчалардан амалиётга ўтиш йўли билан фикр юритишга ўргатиш имкониятини беради. Китоб илмий-методик жиҳатдан юқори савияда ёзилган ва у бошланғич синф ўқитувчиларининг иш столидан жой олиши зарур.

***Жўра ИКРОМОВ, педагогика фанлари доктори, профессор,***
***Қоражон ТОШМУРОДОВА, ЎзМУ педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди***

# ҚЎШИҚ КУЙЛАБ ЎТГАН ЭДИ...

*Xotira*

*Инсоннинг ўзи ҳам, унинг ҳаёти ҳам сир-асрорларга тўла. Камдан-кам одам ўз ҳаёт йўли оқимини бошқа бир йўналишга солиб юбора олади. Биз сўз юритмоқчи бўлган ажойиб инсон Марайим Жалилов ҳам эътиборга, таҳсинга лойиқ ишлар қила олган кишилардан эди.*

*Жарангдор, ширали овозга эга бўлган М. Жалилов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг вокал факультетини, кейинчалик институтни ҳам тугатишга эришганди.*

*Қўшиқлар ва оҳанглар сеҳри уни азим шаҳар — Тошкентга бошлаб келди. У Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кириб, қўшиқ куйлаш йўлларини ўрганди, ўз касбининг энг нозик сирларидан воқиф бўлди. 1958 йилда у Консерваторияни тугатиб, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошида ташкил қилинган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида ўз фаолиятини давом эттирди.*

*М.Жалилов ўзбек халқ қўшиқларини фортепианога мослаштириш ҳамда бастакорлар асарларининг энг нодир дурдоналарини йиғиш ишлари билан астойдил шуғулланди. Унинг тайёрлаган 60 босма табоқдан иборат уч қисмли "Қўшиқлар хрестоматияси" Республика педагогика институтларининг мусиқа факультетлари талабалари учун асосий дарслик вазифасини ўтаб келмоқда.*

*Шунингдек, олим вокал бўйича янги-янги, замон талабларига жавоб бера оладиган, бўлажак мусиқа бакалаврлари учун репертуарлар хазинаси саналадиган асарларни тўплаш устида тинмай изланди, нодир оҳангларга янги шеърларга куй басталади.*

*Халқ ичида Марайим Жалиловнинг хофиз сифатида ўз куйлаш йўли ва шинавандалари бор эди. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети мусиқа факультети салоҳиятининг том маънодаги мустаҳкам бир устуни эди. Унинг олим, меҳрибон устоз, чинакам дўсту биродар сифатидаги ёрқин сиймоси доимо ёдимиздадир.*

***Ҳ.НУРМАТОВ, Қ.МАМИРОВ, Ж.САДИРОВ, ТДПУ ўқитувчилари***

BOLALAR DUNYOSI BOLALAR DUNYOSI BOLALAR DUNYOSI

# BOLALAR DUNYOSI

## NOMUSNING KIYIMI

Inson deb atalmish mamlakatda Nomusxon ismli malika hukmronlik qilar, u o'zining sohibjamolligi va ibosi, hayosi bilan el-yurt og'ziga tushgan ekan.Bir kuni Nomusxon tog' etagida sayr qilib yurib, bir cho'pon yigitga ko'zi tushibdi. Yigit malikani bir ko'rishdayoq sevib qolibdi. Bu ikkala yoshning o'rtasida muhabbat deb atalmish kuchli tuyg'u paydo bo'libdi. Malika har uch kunda cho'pon yigitni ko'rish uchun hayo va ibodan tikilgan ko'ylagini, iffat toshlari qadalgan tojini kiyib kelaveribdi. Kunlarning birida Nafs ismli savdogardan malikaga sovchilar kelibdi. Savdogar Nafs cheksiz boylikka ega bo'lgan, qahri qattiq bo'lib, u yiqqan boyliklar xalqning halol mehnati evaziga to'plangan edi. Malika rozilik bermay sovchilarni qaytarib yuboribdi. Nafsning g'azabi qaynab, Nomusga qarshi fitna uyushtiribdi. Nafs tuzog'iga ilingan Nomusning odamlari uni Nafsning qo'liga topshirishibdi. Nafs uni butun boyligi joylashgan xazinasiga qamab qo'yibdi. Nomus umri bino bo'lib ko'rmagan duru-javohirlar, behisob boylik oldida o'zining ibo va hayodan tikilgan ko'ylagi va iffat toshlari bilan bezatilgan toji hech narsa emasdek tuyulibdi va ko'ylagini, tojini yechib uloqtiribdi. Shu payt cho'pon yigit yer ostidan lahm kavlab Nafs xazinasining qoq o'rtasidan teshib chiqibdi.

Cho'pon yigit malikani taniy olmabdi. U ilgarigi malikaga sira o'xshamas, egnidagi oppoq harir ko'ylagi va boshidagi iffat toji ham yo'q edi. U zar ipakdan tikilgan ko'rimsiz matoga o'ranib olgan, boshida esa sof oltindan yasalgan tillaqosh taqib mag'rur turardi. Cho'pon yigit malikani bag'riga bosib Nafs balosidan himoya qilishini va uni bu yerdan uzoq-uzoqlarga olib ketmoqchiligini aytibdi. Malika tosh haykaldek qotib turaveribdi. Uning og'zidan birgina so'z chiqdi, u ham bo'lsa Nafsga shon-sharaflar edi. Shunda Cho'pon yigit malikaning allaqachon Nafsning quliga aylanganligini tushunib, zor-zor yig'lab, xonani tark etibdi. Ertasi kuni Nafs malikani saroyiga chaqirtiribdi. Nomus shohona kiyimlar kiyib Nafsning qoshiga kelibdi va unga ta'zim qilibdi. Nafs o'tirgan joyida qah-qah otib kulibdi va "niyatimga yetdim" deb qichqiribdi. Nomus bu gaplardan hayron bo'lib Nafsga hayronnamo boqibdi. Nafs unga qarab: "Mening niyatim sening ibo va hayodan tikilgan ko'ylaging va iffat toshlari qadalgan mana shu tojingga erishish edi" deb, Nomusning kiyimi bilan tojini oyog'i ostiga tashlab uni oyoqlari bilan toptab tashlabdi. Va Nomusning ustidagi kiyimlarini yechib olib nafrat zarbidan titilib ketgan oppoq harir ko'ylagini kiygizib, saroydan haydab yuboribdi. Malika zor-zor yig'lab mamlakatiga qaytib ketibdi. Shu voqeadan keyin Malika toptalgan ko'ylagini poklik suvi bilan yuvmasin, ko'ylakda avvalgidek ibo-hayo jozibasi yo'q edi. Malika taqdiriga tan berib pushaymonlik va nadomat hujrasida butun umr turmush qurmay qolib ketibdi.

*Sumbula XOLLIYEVA,,*
*Respublika nafis san'at litseyi o'quvchisi*

## OPPOQ QOR

Oq qor, oppoq qor,
Paxtaday yumshoq qor.
Yaltirab turasan,
Bizga zavq berasan.

Yog' dala, qirlarga,
Sen madad yerlarga.
Yaltirab turasan,
So'ng erib ketasan.

*Zuhra SALOHOVA,*
*Toshkent tumanidagi 6-maktab o'quvchisi*

## SAMARQAND

Samarqand diyori Temur taxtiyu,
Mirzo Ulug'beklar makon topgan yurt.
Imom Buxoriyni bag'riga olib,
Bobur yuragiga olov yoqqan yurt.

Samarqand deganda tushadi yodga,
Buyuk ipak yo'li, Sharq darvozasi.
Ulug' allomalar yetkazib elga,
Jahonni lol etgan zo'r ovozasi.

"Samarqand sayqali ro'yi zamin ast",
Shirin noni ila jahonga mashhur.
Ko'hna va navqiron ekanligi rost,
O'zbegim uchun bu iftixor, g'urur.

Samarqand deganda ko'ksimda qo'lim,
Bag'ringda tug'ildim, o'sdim, ulg'aydim.
Ollohdan so'rayman takror va takror,
Samarqandga loyiq farzand bo'lsaydim.

*Umarali BOBOMURODOV,*
*Oqoltin ijtimoiy-iqtisodiy kolleji o'quvchisi*

## TILAGIM

*(Singlim Sitoraga)*

Baxtning eng jarangdor so'zi bo'l, singlim,
Olisni ko'zlagan ko'zi bo'l, singlim.
Ota-onang yorug' yuzi bo'l, singlim,
Doimo dunyoda baxtiyor yasha.

Gullarga burkansa murg'ak quchog'ing,
Qadriga yetgin sen har baxtli chog'ing.
Yoningda bor sening suyanchiq tog'ing,
Mayli kel, qalbimga suyanib yasha.

Xoh buyuk bo'lasan, xoh oddiy inson,
Qalbingda yashasin Vatan degan nom,
Kerak bo'lsa yurt-chun, ber hattoki jon,
Faqat yurtim deya yashagin, singlim.

*Nigora RUSTAMOVA,*
*Shahrisabz tumanidagi 2-ixtisoslashgan maktab o'quvchisi*

## DILBAROY

Dilbaroyning dili shod,
Dalada qaynar hayot.
Dadasi ketmon chopar,
Dilbaroy o'yin topar.

## TO'P

To'pim to'p-to'p etasan,
Ursam uchib ketasan.
Havolanib nariga,
Do'stlarimga yetasan.

*Gulnozaxon HAMROYEVA,*
*o'quvchi*

## AYOL SO'ZLAGANDA

Ayol so'zlaganda toshlar gullaydi,
Ayol so'zlaganda suvlar kuylaydi.
Ayolsiz dunyoda hayot bo'lmaydi,
Ayollar, onalar, omon bo'lingiz!

To'maris onamiz ayol aslida,
Jasurlik qoni bor uning naslida,
Uvaysiy, Nodira hayot gul bo'lib,
G'azallar bitgandir ular faslida.

*Hamida MATKARIMOVA,*
*Oltinko'l tumanidagi 19-ixtisoslashgan maktab o'quvchisi*

## YULDUZ BO'LAMAN

Bilaman, mendaylar ko'pdir dunyoda,
Umidlari yulduz undan ziyoda,
Lek menga ishoning poyi-piyoda
Orzularga yetgan yulduz bo'laman.

Balkim, qiynalarman ungacha bir oz,
Lek menga baribir, oxir bo'lsin soz.
Muhimi, so'ng baxtim bo'lmasin sayoz,
Orzularga yetgan yulduz bo'laman.

Ishoning, so'zlarim shunchaki emas,
Balkim qilgandurman kimgadir havas.
Bu dunyo bo'lmasin hech kimga qafas,
Bir kuni, albatta, yulduz bo'laman.

*Zilola OCHILOVA,*
*Buxoro shahridagi 2-akademik litsey o'quvchisi*

## BOYCHECHAK

Men boychechak, boychechak,
Yaproqlarim kamalak.
Dala-qirda o'sganman,
Qattiq yerdan chiqqanman.
Barglarim yashil baxmal,
Quyoshda yonar yal-yal.
Hidlab oling isimni,
Eslab qoling ismimni.

## ONAJON

Tongda meni uyg'ot ertaroq,
Mehribonim, munis onajon!
Men yo'llarga ko'z tikay mushtoq
Bizning uyga kelmoqda mehmon.

*Shahnoza NAJMIDDINOVA,*
*Boysun tumanidagi 25-maktab o'quvchisi*

## ZO'R KUCHMIZ

*(harbiylar qo'shig'i)*

Asta-asta yo'l bosing,
Tuproq mayda bo'lmasin.
Ona Vatan osmoni
Bulutlarga to'lmasin.

Ko'kragimiz po'latdan,
Yuraklarda jo'shar qon.
Mashq qilamiz tinmasdan
Charchoq nima bilmasdan.

Vatanimiz hur, obod,
Biz yengilmas, zo'r kuchmiz.
Vatan himoyasida
O'tkir, keskir qilichmiz.

*Fuzail NURMATOV,*
*Chiroqchi tumanidagi 58-maktab o'quvchisi*

## BU HAYOT

Bu hayot go'yo ko'prik misol,
Insonlar o'tarlar qatorma-qator.
Intilsang doimo ezgulik tomon,
Zafar quchadursan, albatta, har on.

Yovuzlik tomon yurma hech qachon,
Yo'qsa nadomatga qolursan mudom,
Shunda yuz o'girar do'stu birodar,
Dushmaning ahvoling ko'rib ko'p kular.

*Rohatoy HUSANOVA,*
*Respublika nafis san'at litseyi o'quvchisi*

## ONA

Onadek dunyoda yo'qdur mehribon,
Nur to'la ko'zida dunyo charog'on.
Usiz hayot bo'lmas go'zal, farovon,
Mo'tabar, munissiz, aziz onajon.

## USTOZ

Bizga g'amxo'rlik ila
Berasiz ta'lim,
So'zlaringiz muqaddas,
Rahmat, muallim.

*Dilora DILMURODOVA,*
*Shayxontohur tumanidagi 324-maktabning 6-"B" sinf o'quvchisi*

— Voy, cho‘ponlar ham kitob o‘qisharkan-da, bilmas ekanman, — yonginasidan qiz bolaning qo‘ng‘iroqday tovushi jarangladi.



# ОРЗУ ЙЎЛИДАГИ ТЎРТ ТЎСИҚ

*«София» нашриёти чоп этган «Алкимёгар» романининг биринчи нашри нусхасини олиб, чин дилдан қувондим. Бир неча йил мобайнида Россияда ташаббускор китобхонлар бу китобни ўз имкониятларидан келиб чиқиб ёйишга уринишди — Интернетга жойлашди, қўлбола китоб шаклида тайёрлаб алмашиб ўқишди, асар матнининг фотонусхасини чиқаришди. Бироқ барча саъй-ҳаракатларга қарамай, турли баҳонаю сабаблар боис, ҳозиргача «Алкимёгар»ни китоб тарзида нашр этиб, бозорга олиб киришнинг иложи бўлмаган эди.*

*Мана ниҳоят уни нашр қилиб, талаб даражасида тарқатишга журъат этадиган нашриёт чиқиб қолди. Романда ҳикоя қилинган чўпон Сантягонинг саёҳати билан боғлиқ воқеалар асосида ётган туб маъно-мазмун — бу «Ўз Тақдиринг» тушунчасидир. «Ўз Тақдиринг» нима дегани? Бу Худо томонидан бизга буюрилган, умримиз мобайнида адо этишимиз лозим бўлган олий мажбурият, ҳар қайсимизнинг босиб ўтадиган ўз йўлимиздир. Биз ҳар сафар бирор-бир амални қувонч ва ҳафсала билан бажарганимизда, Ўз Тақдиримизга мос тарзда иш тутган бўламиз. Бироқ ёруғ орзу-ниятларга пешвоз чиқишдай бахтга эришмоқ учун бу йўлдан матонат билан ўтиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.*

*Хўш, нима учун ҳамманинг ҳам истак ва орзулари ушалмайди?*

*Бунга тўртта тўсиқ халал беради. Биринчиси шундан иборатки, гўдаклик пайтдаёқ, ҳаётда эришишни жуда истаган нарсаларга интилганимизда, йўқ, бу нарсаларга эришиб бўлмайди, деган гапни қулоққа қуйиб қўйишади. Бола: ҳарчанд уринмай, барибир ўзим хоҳлаган нарсага эришолмайман, деган фикр билан улғаяди. Шу тариқа, йиллар мобайнида қалбида турли хил шубҳа-гумонлар ва қўрқувлар илдиз отади, умидсизлик ва айбдорлик туйғуси кучайиб боради. Ва бир кун келиб, Ўз Тақдирини яшаш истаги шу оғир юк остида қолганини англаганда, ўзига инъом этилган олий имконни тамом йўқотгандай туюлади. Бироқ аслида бу имкон унинг қалбида яшаётган бўлади.*

*Шунга қарамай, киши қалби тубидаги орзу-ниятини юзага чиқаришга, амалга оширишга бел боғлаб киришгудай бўлса, уни яна бир синов кутади: бу — севги, меҳр-муҳаббатдир. Киши ҳаётда нимага эришмоқчи эканини ёки қандай синовларга бардош бера олишини билади, бироқ орзусига етиш учун ҳамма нарсадан воз кечса, оқибатда ўз яқинларига озор етказиб қўйишдан қўрқади. Бу туйғу шундан далолат берадики, инсон меҳр-муҳаббатнинг орзу йўлида тўсиқ эмаслигини тушунмайди, зотан, севги халал бермайди, балки, аксинча, ҳаракатга рағбат уйғотади. Фаол инсонга чиндан яхшиликни раво кўрадиган, унга доимо елкасини тутишга шай одам уни тушунишга ва қўллаб-қувватлашга тайёр бўлади.*

*Киши севгининг тўсиқ эмас, балки таянч эканлигини англаб етган чоғда, унга учинчи тўсиқ хавф солади: бу — омадсизлик ва мағлубиятлардан қўрқиш. Ўз орзулари йўлида курашаётган одам бошқалардан кўра кучлироқ заҳмат чекади, ҳаракатлари зое кетаётган дамларда эса у, одатдагидай, «бўлса бўлар, бўлмаса ювлаб кетар», деган маслакка ияк суямайди. Аслида ҳам, у айнан орзу йўлида ўзини бутунлай бахшида этганини англайди. Шунингдек, у Ўз Тақдири белгилаган йўл барча йўллар каби машаққатли эканини англайди. Орадаги фарқ шундаки, у танлаган йўл олиб борадиган манзил ўзгача — бу манзилда юрак жавҳари мавжуддир. Шу боис Нур Аскари энг оғир дамларда сув ва ҳаводек зарур сабр-қаноатга эга бўлиши ва бу Ёруғ Олам чорасиз, ўта танг вазиятларда ҳам унинг орзулари амалга ошишига ёрдам беражагини доимо ёдда тутмоғи керак.*

*Сиз: бу йўлда мағлубиятларнинг, омадсизликларнинг ҳам нафи етадими, деб сўрарсиз.*

*Нафи борми, йўқми, бундан қатъи назар, улар рўй беради. Инсон ўзининг орзу-истаклари йўлида курашни бошлаган пайтда, тажрибасизлиги туфайли, кўплаб хатоликларга йўл қўяди. Бироқ борлиқнинг моҳияти ҳам шундада, йиқилганни ер кўтаради, деганларидек, неча бор йиқилманг, ҳар гал оёққа туриб олиш зарур.*

*Модомики, бизнинг бошқаларга қараганда кўпроқ азият чекишимизга тўғри келар экан, Ўз Тақдир йўлимиздан юришимиз шартми, деб сўрашингиз мумкин.*

*Бу шунинг учун ҳам зарурки, омадсизликлар ва мағлубиятлар ортда қолгач — улар охир-оқибат барибир ортда қолади, — биз тўла-тўкис бахт туйғусини англаб етамиз ва ўзимизга ишончимиз янада ортади. Қалбимизнинг туб-тубида, бошимиздан кечирган ғаройиб ҳодисаларга муносиб эканимизга ишонч ҳосил этамиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати — бу Шарафли Жанг дақиқаларидир. Вақт ўтиши билан биз ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини қувонч билан қабул қилиш ва ундан ҳузур-ҳаловат туюшни ўрганиб борамиз. Кутилмаганда бошимизга тушадиган оғир ғам-қайғу чидаса бўладигандай туюладиган, нисбатан енгил ташвишларга қараганда тезроқ ўтади: нисбатан енгил туюлган мушкулотлар бир неча йилларга чўзилиши мумкин, ўзининг оғир асоратларини қолдирганча, энг охирги нафасимизгача ҳаётимизга соя солиб, қалбимизни муттасил, сездирмай кемиради.*

*Хуллас, инсон қалби тубидаги орзу-ниятларини юзага чиқариш йўлида кечган машаққатли курашларнинг юракда қолдирган жароҳатлари изини пайқамай, йиллар мобайнида умидини юрак тафти билан озиқлантириб, умр бўйи интилганига эришадиган фурсат етганда — кўнгил истаклари амалга ошиши аён, эҳтимол, эртага орзуси рўёбга чиқишига ишончи комил бўлганда — худди шу паллада уни сўнгги тўсиқ кутади: бу — бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳ бўлган орзулари ижобатидан қўрқув ҳиссидир.*

*Оскар Уайлд ёзганидай, «одамлар доимо энг яхши кўрган нарсаларини вайрон қиладилар». Ҳақиқатан ҳам шундай. Умр бўйи орзу қилгани ниҳоят рўёбга чиқа бошлаганини англаш ҳисси инсон қалбини айбдорлик туйғусига чулғайди. Теварак-атрофга боқиб, у кўплаб кишилар истакларига етолмаганига гувоҳ бўлади ва шунда ўзи ҳам бундай ғалабага муносиб эмаслигини ўйлай бошлайди. Ўз орзуси йўлида қанча қийинчиликларни бошдан кечирганини, кўп нарсани қурбон қилганини унутади. Мен ҳаётда Ўз Тақдирлари йўлидан юриб, машаққатлар чекиб, катта мақсадларига эришишларига атиги икки қадам қолганида — энг охирги дақиқаларда талай аҳмоқликларга йўл қўйишган одамларни учратдим. Оқибатда уларнинг, қўл узатса етгудай, амалга ошаман деб турган орзуниятлари оқланмай қолиб кетган.*

*Хуллас, ана шу тўрт тўсиқнинг орасида бу — сўнггиси энг маккор тўсиқ, чунки у аллақандай сирли-муқаддас пардага бурканган — орзулар ижобатининг қувончларию, ғалаба самараларидан баҳраманд ликнинг кушандаси. Инсон мислсиз курашлар эвазига эришган ғалабасига ўзининг муносиб эканини англаб етганда Яратганнинг иноятига дохил бўлади ва унга бу жойда, Ерда умргузаронлик қилаётганининг асл моҳияти очилади.*

*«Алкимёгар» романида, рамзий шаклда, мана шулар ҳақда ҳикоя қилинади.*

***Пауло Коэло,***
***2000 йил, июль***

*Инсоннинг Ердаги умри мобайнида амалга оширадиган ишлари нималардан иборат? Ўз Тақдири йўлидан бориб, кўнглига туккан орзу-умидларини амалга ошириш учун инсонга энг зарур нарса нима?..*

*«Алкимёгар» романи мана шундай кўламли, мазмунан фалсафий, моҳиятан эса оддий инсоний масала ҳақида.*

*Асар муаллифи — ҳозирги замоннинг машҳур ёзувчиси бразилиялик Пауло Коэло.*

*«Алкимёгар» Ричард Бахнинг «Оқчарлоқ Жонатан» ёки «Шарпалар» асарларига ўхшамайди. Экзюперининг «Кичик Шаҳзода»сига ҳам ўхшаш томонлари жуда кам. Бироқ негадир «Алкимёгар»ни ўқиганда беихтиёр бу ривоят-қиссалар ёдга тушади. Зотан, бу асар айнан ҳозирги замон китобхонлари учун атаб ёзилгандай ва «Алкимёгар»нинг турли давлатлар арбобларию, машҳур санъаткорлар ҳамда ҳозирча бир юз ўн етти мамлакатдаги миллионлаб адабиёт мухлислари томонидан севиб ўқилиши шундан далолатдир.*

*«Бизнинг сайёрамизда бир буюк ҳақиқат барқарордир: агар сиз чиндан ниманидир орзу қилсангиз, унга албатта, эришасиз, зотан, бу орзу Олам қалбида ҳам туғилади. Ва айни шунинг ўзи сизнинг Ерда мавжудлигингиз тасдиғи, сизнинг тақдирингиздир», деб ёзади П. Коэло.*

*Қуйида Сизнинг эътиборингизга «Алкимёгар» романининг нашрларидан бирига муаллиф ёзган сўзбошини ва асар таржимасини ҳавола этаяпмиз.*

**Пауло КОЭЛО**

# АЛКИМЁГАР

## Роман

*Ж.га бағишланади.*

*— Буюк Ижод сирини англаган Алкимёгарга.*

**Ўз йўлларида давом этишди. Исо бир қишлоққа кирди. Бу ерда Марфа исмли аёл уни уйига таклиф қилди. Унинг Марям исмли бир синглиси бор эди. Марям Исонинг оёқлари олдида ўтириб, унинг сўзларини тинглар эди. Марфа эса тайёргарчилик ишлари билан жуда овора эди. Ниҳоят у Исо ёнига келиб:**

**— Ҳазрат! Синглим бир ўзимни хизматда қолдириб қўйганига эътибор бермаяпсанми? Унга айтгин, менга ёрдам берсин! — деди. Исо унга шундай жавоб берди:**

**— Марфа, Марфа, бунча уриниб ташвишланмасанг! Зарур бўлган биттагина иш бор. Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади ва бу ундан тортиб олинмайди.**

*ЛУКА БАЁН ЭТГАН МУҚАДДАС ХУШХАБАР, 10:38-42.*

## МУҚАДДИМА

Алкимёгар китобни қўлига олди, уни сайёҳлардан кимдир олиб келган эди. Китоб муқовасиз эди, бироқ у муаллифнинг исм-шарифини топди — Оскар Уайлд — ва уни варақлаб, туйқусдан нигоҳи Наргис ҳақидаги ривоятга тўқинди.

Кун-уззун анҳор бўйида ўз аксига маҳлиё бўлиб ўтирадиган соҳибжамол бўз бола ҳақидаги ривоят Алкимёгарга маълум эди: Наргис шу қадар маҳлиё бўлиб анҳорга термилиб қолган эдики, охир-оқибат сувга қулаб, чўкиб кетди, қирғоқдан эса гул униб чиқди, гулни унинг номи билан аташди.

Бироқ Оскар Уайлд бу ривоятни бошқача ҳикоя қилган.

«Наргис ҳалок бўлгач, ўрмон нимфалари — дриадалар сездиларки, анҳорнинг чучук суви кўз ёшдан шўрланди.

— Сен нега йиғлаяпсан? — сўрашди дриадалар.

— Мен Наргисга аза тутаяпман, — жавоб қилди анҳор.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, — дейишди дриадалар. — Оқибат шу экан, ахир, у ўрмондан ўтганда биз доимо ортидан югурар эдик, ёлғиз сенсан — унинг ҳусну жамолини яқиндан кўрган.

— У соҳибжамолмиди? — сўради шунда анҳор.

— Ҳа, бу ҳақда сендан ўзга ким ҳам бир сўз айта оларди? — ажабланишди ўрмон нимфалари: — Сенинг қирғоғингда ўтириб, сенинг сувларингга термилиб, азондан шом қоронғусигача вақт ўтказган эмасмиди у?

Анҳор узоқ сукут сақлади ва ниҳоят жавоб қилди:

— Мен Наргисга аза тутаяпман, бироқ ҳеч қачон унинг гўзал эканини пайқамабман. Кўз ёшларини оқизаётганим боиси, ҳар сафар, у қирғоғимга келиб, эгилиб сувларимга термилиб ўтирганида, кўзларининг тубида менинг гўзаллигим юз кўрсатарди».

«Нақадар ғаройиб ривоят», — ўйлади Алкимёгар.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

Бўз боланинг исми Сантяго. У қўйларини ташландиқ ҳолга келган ярим вайрона черковга ҳайдаб кираётганда қош қорая бошлаганди. Черков гумбази аллақачонлар ўпирилган ва хароба ҳолга келган, бир пайтлар меҳроб бўлган жойдан каттакон тутанжир ўсиб чиққан.

Шу ерда тунашга қарор қилди Сантяго, чириб синиб ётган эшикдан қўйларини ичкарига ҳайдаб киритди-да, бўлак-сўлак тахталар билан сурув чиқиб кетолмайдиган қилиб эшикни тамбалади. Округда бўрилар йўқ эди, бироқ баъзан қўйлар улоқиб кетиб қолар, бирор-бир дайди қўйни қидириб кун-уззун овора бўлишга тўғри келарди.

Сантяго камзулини ерга тўшади, боши тагига яқинда ўқиб тугатган китобни қўйди ва чўзилди. Уйқуга кетишдан олдин қалинроқ китоб олиб чиққаним тузук экан — кўпроқ вақт ўқирдим, ёстиқ учун ҳам қулай бўларди, деб ўйлади. У уйғонганда ҳали қоронғу, тепасида тун чойшабининг йиртиқларидан юлдузлар чарақлаб турарди.

«Яна озгина ухласам», ўйлади Сантяго.

Уйқусида яна ўша – ўтган ҳафта кўрган туши жонланди ва тағин у тушни охиригача кўришга улгурмади.

У бошини кўтарди, винодан бир қултум ичди. Таёғини қўлига олди ва мудраб ётган қўйларни турткилай бошлади. Бироқ сурувнинг катта бир тўдаси у кўзини очган дамдаёқ қўзғалган, гўё у билан қўйлар орасида аллақандай сирли алоқа бордай, у шу сурув билан, мана, икки йилдан бери сув ва озуқа қидириб, бир жойдан бошқа жойга санғийди. «Менга шу қадар ўрганиб қолдики, ҳамма одатимни ўзлаштириб олди булар, — минғиллади у. — Менинг ҳатто кундалик режамдан ҳам бохабар».

У яна шу ҳақда бироз мулоҳаза қилиб, эҳтимол, айнан бунинг аксидир — мен уларнинг одатларини ўзлаштириб, сурувнинг тартибига тушиб олгандирман, деган хулосага келди.

Бироқ бошқа бир тўда қўй Сантягонинг таёқ учи билан бирма-бир номини айтиб туркилаганига қарамай, қўзғалишга шошилмасди. Умуман, унинг ишончи комил эди — қўйлар Сантяго айтган гапларни жуда тушунарди, шунинг учун баъзан у китобчаларда ўзига ёққан жойларни қўйларга эшиттириб ўқир ёки сурувни ҳайдаб ўтган шаҳарлар, қишлоқларда эшитган янгиликларни уларга гапириб берарди.

Дарвоқе, кейинги пайтларда йигитча фақат бир нарса ҳақида — яна тўрт кундан кейин у етиб келадиган шаҳарда яшайдиган савдогарнинг қизи ҳақида гапирарди. У қизни фақат бир марта, ўтган йили кўрган. Мовут ва жун билан олди-сотди қиладиган дўкондор, қўйларнинг жунини кўз олдида қирқтиришни хоҳлайди — шундай қилинса уни алдашолмайди. Ошналаридан кимдир Сантягога шу дўконни кўрсатди ва у қўйларини шу ёққа ҳайдади.

«Жун сотмоқчиман», деди у ўшанда дўкондорга.

Дўкон пештахтаси олдида одамлар уймалашиб турарди, хўжайин чўпонни тушликкача кутиб туришини сўради. Сантяго рози бўлди ва йўлакка ўтириб, тўрвасидан китобчасини олди.

— Вой, чўпонлар ҳам китоб ўқишаркан-да, билмас эканман, — ёнгинасидан қиз боланинг қўнғироқдай товуши жаранглади.

У бошини кўтариб, кўринишидан ҳақиқий андалуслик, сочлари тақимига тушган, қопқора ва майин, кўзлари эса ҳудди бир вақтлар Испанияни забт этган маврларникидай қизни кўрди.

***Аҳмад ОТАБОЕВ***
***таржимаси***

**(Давоми бор)**

## РОССИЯ ВЕТОДАН ФОЙДАЛАНАДИМИ?

**БМТ Хавфсизлик Кенгашида муҳокама этилаётган АҚШ, Буюк Британия ва Испания давлатлари томонидан ишлаб чиқилган Ироқ борасидаги янги резолюцияда Россия ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бу ҳақда Пекинда Хитой ҳукумати билан учрашган Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов маълум қилди. Чунки, унда бевосита ҳарбий куч ишлатиш назарда тутилган. Шунингдек, И. Иванов, агар зарурият туғилса инспекторларнинг Ироқдаги фаолиятлари муддатини узайтириш борасида янги резолюция қабул қилинишига Москва тайёр эканлигини айтди.**

**Ҳозирда эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши АҚШ, Буюк Британия, Испания резолюциясидан ташқари, Россия, Франция, Германия томонидан тақдим этилган меморандумни ҳам кўриб чиқмоқда.**

## ХОС ВАКИЛ ПХЕНЬЯНГА КЕЛМОҚДА

**БМТнинг юқори мартабали вакили Морис Стронг бугун Шимолий Кореяга ташриф буюради. БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг хос вакили сифатида келаётган халқаро дипломатиянинг фахрийси Стронг жаноблари мамлакат раҳбарияти билан учрашади. Бўлғуси музокараларда эса Ёнбен шаҳридаги ядро реакторининг ишга туширилиши ва умуман Шимолий Кореянинг ядро дастурига эга бўлиш масаласи муҳокама этилади.**



**АҚШ махсус хизмат ходимларининг маълум қилишларича, кореяликлар Ёнбендаги реакторни ишга туширишган.**

## ЯНГИ ҲУКУМАТ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

**Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ҳукуматнинг янги таркибини маълум қилди. Унинг таркибида — "Ликуд" (ўнглар), "Шинуй", МАФДАЛ (миллий-диний) ва "Миллий бирлик" партиялари вакиллари бор.**

**Ариэль Шарон ўз чиқишида Исроил мураккаб вазиятлар остонасида турганлигини ва бу, аввало, иқтисодий соҳани ривожлантириш масаласига даҳлдорлигини алоҳида таъкидлаган. Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнларига муносабатини билдирар экан, ҳукумат раҳбари Исроил ҳудудларига араб қочоқларининг қайтишига йўл қўйилмаслиги ҳамда Қуддус бундан буён "яҳудийлар давлатининг ягона ва бўлинмас пойтахти" бўлиб қолишини урғулаган.**

## РОССИЯДА МИЛЛАРДЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Американинг "Форбус" журнали дунёдаги энг бой кишиларнинг йиллик рўйхатини эълон қилди. Анъанавий равишда рўйхатнинг энг юқорисида Билл Гейтс турган бўлса-да, лекин рус бойларида кўпайиш кузатилган. Мазкур рўйхатдан 17 нафар россиялик миллиардерлар ҳам ўрин олган бўлиб, уларнинг 10 нафари янгилардир. Дарвоқе, 2000 йили бирон бир россиялик кишининг исм-фамилияси "Форбус" рўйхатидан ўрин олмаган эди. Кузатувчиларнинг фикрича, сон жиҳатидан АҚШ, Германия, Япония вакилларини ортда қолдирган россияликларга нефтдан тушаётган даромад катта ёрдам берган. Биргина, "ЮКОС" нефт компанияси директори Михаил Ходорковскийнинг капитали 8 млрд. долларга етган. Рўйхатдаги 476 нафар миллиардерларнинг умумий бойликлари 1,4 триллион долларни ташкил этса, шундан 40,7 миллиарди Билл Гейтсга тегишли.**

***"Интернет" тармоғидан олинди.***

## *Tadqiqot*

# РОССИЯ: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

Россия Федерацияси таълим вазирлигининг ижтимоий тадқиқотлар маркази бир вақтнинг ўзида иккита масалани ўрганиб чиқди. Сўров тарзида кечган тадқиқотларда мамлакатнинг 19 та минтақасидаги 520 та мактабдан эксперт-педагоглар қатнашди. Таълим-тарбия борасидаги муаммолар ва қийинчиликлар ҳақида 520 нафар ўқув ишлари бўйича директор муовинлари ҳамда 1560 нафар 14,5 йил иш стажига эга бўлган синф раҳбарларининг фикрлари тадқиқ қилинди. Оилада фарзанд тарбияси учун масъул бўлган 1820 нафар ота-оналар фикри ҳам ўрганилди. Шу ўринда уларнинг асосий қисмини оналар ташкил қилишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Сўровда қатнашганларнинг 18 фоизи ё отасиз ё онасиз (нотугал) оилалар, 34,7 фоизи эса бир нафар фарзандли оилалар, 35,3 фоизи икки фарзандли, 12 фоизи уч ва ундан кўп фарзандли оилалар вакилларидир. Ушбу тадқиқотлар натижаси оз бўлсада, болалар ҳақида билиш, уларни ўрганиш лозимлигини ва тарбиячиларнинг заиф томонларини кўрсатиб, уларни бартараф этиш йўлларини топишга ундайди.

Педагогларнинг таъкидлашича, 10-11 ёшгача бўлган болаларни мактабда таълим-тарбия таъсирида бошқариш осон кечади. Кейин эса, яъни балоғат даврида уларни назорат қилиш мушкуллашади. Албатта, педагогларнинг безовталанишларига бир талай сабаблар бор.

Чунки балоғат ёшида ҳар бир ўсмир физиологик, руҳий ўзгаришларни ўзида ҳис қила бошлайди. Бу баъзида билиб- билмасдан ёмон йўлларга кириб кетишликкача олиб боради. Шу сабаб, ўқитувчилар ўқувчиларнинг 5-6-синфданоқ чекишни бошлашлари, ичкиликка ружу қўйишлари, ўғирлик, дарсга келмаслик, безорилик каби ёмон одатларни касб қилиб олганларидан шикоят қилишади. Ҳатто ўсмирлар орасида умуман мактабга келмайдиганлари ҳам бор. Бекорчилик сабаб улар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар тўдаси пайдо бўлади. Юқори синфларда маънавий айниш кузатилади. Ҳатто баъзи қизлар мактабни битирмаёқ фоҳишаларга қўшилиб кетишади.

Тадқиқотларга кўра, Россияда мактаб ўқувчилари ўртасида дарсдан қочиш 2,5 маротаба, наркотик моддаларни истеъмол қилиш 4 баравар, кашандалик 5 ҳисса, ичкиликка берилиш 10 бараварга кўпайган.

Мактабдаги ноўрин тарбия ўсмирларнинг яширин хулқ-атвор эгаси бўлишларига замин яратмоқда, дея таъкидлайди ҳар 100 педагогдан етти нафари. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчилардаги нуқсонлар учун камдан-кам ҳолларда педагоглар жавобгарликни ҳис қилишади. Шу ўринда фарзанд тарбиясида масъулият кимнинг зиммасида бўлиши керак, деган табиий савол туғилади. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, 27,5 фоиз синф раҳбари ва 41,4 фоиз ўқув ишлари бўйича муовинлар "албатта, мактаб-да" деб жавоб қайтаришган. 3,25 фоиз педагог бола тарбиясидаги салбий ҳолатларнинг асосий сабабчиси сифатида оилани таъкидлаб ўтишади. Бошқа бир гуруҳ эса айбни мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлардан деб билади. Қизиғи шундаки, сўровда иштирок этган синф раҳбарларининг бир қисми ўзларини ҳам танқид остига олишган.

Мактаб таълим-тарбиясининг энг қийин босқичи 8-9-синфларда олиб борилиши барчага маълум. Чунки бу вақт балоғат даврининг қизғин палласи ҳисобланади. Айнан шу пайтда ўсмирларга физиологик ва психологик ўзгаришлар ҳақида тушунтирилиши керак. Шунда улар билан тил топишиш бироз осон кечади.

Ота-оналар ва педагоглар баъзида ўсмирлар тарбиясида салбий натижаларга дуч келадилар. Бу таълим-тарбиянинг ва педагогик касб маҳоратининг етарли эмаслиги билан ҳам белгиланади. Лекин Москва ва Петербургда ўқитувчиларнинг савияси ва юксак таълим тизимининг мавжудлигини эслатиб ўтиш керак. Бошқа минтақаларда эса таълим-тарбия ишлари кўнгилдагидек эмас.

Ота-оналар мактабнинг тарбиявий аҳамиятига жуда ишончсизлик билан муносабат билдирганлар. Фақат 16,1 фоизигина мактабни болалар учун асосий таъсир кўрсатувчи тарбия маскани деб ҳисоблашади. Шунингдек, ҳар 10 нафардан бири ижобий натижани мактабнинг етарли эътиборидан, деб билади.

40 фоизга яқин ота-оналар мактаб умуман болаларимизни тарбияламаяпти, деган хулосага келган. Ўзаро оилавий муносабатларда, бугун катталарга ўсиб келаётган авлод тилини тушуниш қийин кечмоқда. Лекин фарзандлари билан аҳил ва иноқ яшайдиган оилалар йўқ демоқчимасмиз. Масалан, ҳар тўрт кишидан бири болалари билан тўла ҳамфикр эканлиги тадқиқотлар орқали қайд этилди. Энг ёмони, сўровда иштирок этганларнинг 2 фоизи фарзандлари билан давомли содир бўлаётган жанжаллардан нолишган. Қолган оилаларда ҳам фарзандлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида келишмовчиликлар у ёки бу даражада бўлиб турар экан. Юқоридаги дилни хира қиладиган ҳолатлар асосан нотугал (ота ёки онасиз оила) ва ночор оилаларда тез-тез кузатилмоқда. Бу ҳол ўрта маълумотли оилаларда ҳам қайд этилаяпти. Бундай қараганда, ота-оналарнинг маълумот даражаси ҳар доим ҳам зиддиятларга сабаб бўла олмайди. Аммо ижтимоий ҳолатлар бундан мустасно. Уқувлилик борасида тадбиркорларнинг фарзандлари ажралиб туришар экан. Ишчи ва хизматчиларнинг болалари эса дўст танлаш, уй ишларига ёрдамлашиш ва пул сўраш каби-ларда зиддиятларга дуч келишади.

Шуниси эътиборлики, катталар билан ёш авлод муносабатлари ўзига хос прагматик характер касб этади. Оила даврасидаги ўзаро суҳбатлар фарзандларнинг ўқиши, дўстлари, келгусидаги касби ва оиланинг муаммолари мавзуларини қамраб олиши билан эътиборлидир. Тадқиқотларга кўра, олий маълумотли оилаларда бошқа оилаларга нисбатан фарзанд билан кўпроқ суҳбатлашилар экан. 12,7 фоиз ота-оналар ҳеч қачон фарзандларини жазоламаган, яна шунчаси эса аксинча, жисмоний жазолар қўллашларини қайд этишган, 10,7 фоиз оилаларда пул ва буюмлар харид қилиш борасида келишмовчиликларга дуч келинади, 8,8 фоиз оилалар эса қулоқсиз фарзандларини уй қамоғида тутиб турар экан. Бу чорани аксарият ҳолларда ҳарбийлар қўллашини айтиб ўтиш ўринлидир. Яна қизиқ тадқиқотлардан бири, ҳар 3 оиланинг биттаси болалар тарбиясида дўқ-пўписа, қўрқитиш, танбеҳ ҳам кераклигини таъкидлаган. 2/3 қисм ота-она ўз фарзандига насиҳат қилишни тўғри усул деб билар экан. Айниқса, тадбиркорлар ва зиёлилар бола тарбиясида насиҳатгўйлик билангина чегараланар экан. Ишчи-хизматчилар оиласида эса панд-насиҳатлар ўрнини баъзида дўқ-пўписа ва бақиришлар эгаллайди. Ишчилар орасида жисмоний жазолар орқали фарзандни тўғри йўлга йўналтириш мумкин деган тушунча бор.

Энг муҳим тарбиявий усул сифатида танбеҳ ҳамда панд-насиҳатни педагоглар бот-бот эслатишади. Ушбу усулни янгича кўринишда амалиётга жорий этишни эса 44-49 фоиз ўқитувчилар таклиф қилишган.

Социологик тадқиқотларда иштирок этган 7,3 фоиз педагог мактаб таълимини қайта йўлга қўйиб изга тушириш мумкин, деб ҳисоблайди. Бунинг учун мутахассисларни жалб этиш ва янги таълимий методларни ишлаб чиқиш керак, деган хулосага келганлар. Шунингдек, таълим-тарбиядаги қолган нуқсонлар мамлакатдаги умумижтимоий масалалар ҳамда оиладаги муаммоларнинг ҳал этилиши билан ечим топиши мумкин, дея таъкидлашган. Уларнинг фикрича, бола тарбиясидаги қийинчиликларнинг 24 фоизи сиёсий-ижтимоий аҳвол билан, 20 фоизи оиладаги муаммолар билан, қолгани эса мактабдаги камчилик ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

Мегаполислардаги (Москва ва Петербург) ўқитувчилар бошқа минтақадаги педагоглардан фарқли равишда, бола тарбиясига оиладаги шароитлар кўпроқ таъсир қилади, деб фикр билдиришган. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг маҳорати ва вақтнинг етишмаслиги, моддий манфаатдорлик, болаларнинг ҳар хил ишлар билан бандлиги, ОАВнинг салбий таъсири, оиланинг моддий томондан яхши таъминланмагани, болаларнинг бир-бирига ёрдам бермаслиги, синфда қолишлар, соғлиқнинг ёмонлашуви, ўқитувчиларнинг оилалар билан ишламаслиги каби қусурлар мактабдаги таълим-тарбиянинг сифатига таъсир қилади.

Педагогларнинг касбий маҳорати етишмаслигига сўровда иштирок этган ота-оналар алоҳида урғу беришади. Айниқса, тадбиркор ва ишчи ота-оналар буни кўпроқ қайд этиб ўтишган. Ишчиларнинг 71 фоизи маиший хизмат ходимларининг 68 фоизи фарзанд тарбиясида маблағ тақчиллиги сабаб нуқсонлар бўлмоқда, деб билади. Вақт етишмаслигини эса тадбиркорлар таъкидлаб ўтишган. Ота-оналар сўровда жамоатчи тарбиячиларга муҳтожликни қайд этишади. Илгарилари мавжуд бўлган пионер ташкилотлари ўрнини босувчи ҳар қандай уюшмани қўллаб-қувватлашни билдиришган. Жумладан, ҳозирда Россияда мавжуд бўлган ўқувчиларнинг "скаутлар ҳаракати" ташкилотига ота-оналарнинг 4 дан 3 қисми хайрихоҳ кайфиятда.

Лекин фарзандининг касб танлашида 9,3 фоиз ота-она муҳим рол ўйнаши ажабланарлидир.

***ИНТЕРНЕТ асосида***
***П.БЕКМЕТОВ тайёрлади.***

**Mulozimi hayron bo‘lib, buning sababini so‘raganda, Navoiy: “U bola ustozim Jomiyning nevarasidur”, deya javob beradi.**



# МУАЛЛИМ ШУҲРАТГА ЭРИШДИ

*Ривоят қилишларича, кунлардан бир куни Алишер Навоий мулозими билан кетаётганида олдидан кичкина бир бола ўтиб қолади. Шунда бобокалонимиз болага таъзим билан салом беради. Мулозими ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганда, Навоий: “У бола устозим Жомийнинг неварасидур”, дея жавоб беради. Шундан биламизки, буюк зотнинг қалби ҳам устоз муҳаббати билан лиммо-лим тўлганлигини.*

*Халқимиз. “Устознинг қуёшдек тафти — инсоният гулзорини қайта-қайта гуллатувчидир”, дейди. Ана шундай устозларимиздан бири Наим Равшанов бўлиб, у НДПИ ҳузуридаги академик лицейнинг “порлаган юлдуз”ларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Лицейимиз ўқувчилари у кишининг номларини севинч ва ифтихор билан тилга олишади.*

*Домла Наим Равшанов Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Хожамаҳалла қишлоғида туғилган. Ғишти қишлоғидаги 1-ўрта мактабда бошланғич ва ўрта таълимни олганлар.*

*Кейинчалик Бухоро Давлат педагогика институтининг ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетини тугатган ва қишлоғига қайтиб, 1-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мактабнинг маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади.*

*1998 йилдан НДПИ ҳузуридаги академик лицейнинг ҳарбий таълим раҳбари бўлиб, 2001 йилдан бошлаб шу лицейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини бўлиб ишлаб келмоқда. У киши ўқитувчилик фаолияти давомида жуда кўп ютуқларни қўлга киритди. Ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнатлари учун 2002 йил “Шуҳрат” медали билан мукофотланди. Домла Н.Равшанов ёш авлод тарбиясига салмоқли даражада ўз ҳиссасини қўшмоқда. Унинг шогирдлари ҳозирда республикамизнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олишмоқда.*

**Дилноза НАМОЗОВА**

*ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ» ҲАМДА «ОНА ВА БОЛА» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-26 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН МЕБЕЛЬ, ТУРЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР ВА СПОРТ АНЖОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.*

*Кўргазмада Республикамиздаги барча мебель фабрикалари, қўшма ва хусусий корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.*

**Кўргазмага Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят Халқ таълими бошқарма бошлиқлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлим мудирлари, нодавлат ва халқаро ташкилот раҳбарлари, мактабгача таълим муассислари ва раҳбарлари таклиф этилади.**

*Мактабгача таълим ёшидаги болаларга мос келадиган мебель, ўйинчоқ ва спорт анжомларини харид қилиш учун шартномалар тузилиши мумкин.*

**Кўргазмада иштирок этишни хоҳлаган ташкилотлар ўз маҳсулотларини вазирликнинг «Ўқув-Таълим-Таъминот» Бош бошқармаси (Тошкент шаҳар, Сайрам 3-боши берк кўча, 92-уй) кўргазма залида 21-23 апрель кунлари жойлаштиришга таклиф этилади.**


Мухтарам юртдошлар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

Жисмоний ва юридик шахсларга «СВИФТ» халқаро тўлов тизими орқали пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.

Барча турдаги ўтказмалар энг арзон тариф асосида амалга оширилади.

Сиз пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

МИЖОЗЛАРГА ЯНГИ «НАВРЎЗ СОВҒАСИ» — ҚИСҚА МУДДАТЛИ, ЮТУҚЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, камида 3000 (уч минг) сўм қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорида даромад тўланади.

Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1000000 сўм ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.

«Навруз совғаси» омонатига пул маблағлари жорий йилнинг 10 мартига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2003 йилнинг 19-мартида Фарғона шаҳрида ўтказилади.

Омонатга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлим ва шахобчалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

# "ДЎСТЛИК"НИНГ ФАХРИ

*Ўтган йили Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида Дўстлик туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Олим Равшанов миллий кураш бўйича олтин медаль соҳиби бўлди. Тўғриси, Олимнинг бу ютуғи нафақат унинг оиласи, балки у ўқиётган мактаб, туман аҳли учун катта фахрга айланди. Бугунги кунда Олимжонга ҳавас қилиб, унинг изидан боришга ҳаракат қилаётган спортчилар сафи ортмоқда. Ахир, мактаб ўқувчисининг ана шундай нуфузли мусобақаларда олтин медалга сазовор бўлиши чинакам бахт эмасми?*

*Олим Равшанов бундай ютуққа осонликча эришгани йўқ. У ёшлигидан спортга ҳавас қўйди. Чунки оилавий муҳит шунга имконият яратди.*

*Хусусан, отаси Хонкелди Равшанов ва акаси Мамадиёр Равшанов спортни жуда севишади. Айниқса, миллий кураш билан шуғулланиш учун жону дилини беришади. Ана шундай шароитда спорт билан мунтазам машғулот ўтказиш имкониятига эга бўлган Олим Россиянинг Тверь шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида дастлаб кумуш, кейинчалик олтин медални қўлга киритди.Олимжондан ташқари, мазкур мактабда спортни дўст билган ўқувчи ёшлар жуда кўп.*

*Айниқса, оилавий спортчилар сафининг кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳол. Жумладан,Иброҳим Жўраевнинг уч фарзанди Нафиса, Аваз ва Наргиза айни кунда "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг финал босқичига йўлланма олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Нафиса ва Аваз спортнинг таэквандо ва кураш тури бўйича машғулот олиб бораётган бўлса, Наргиза шахмат бўйича ўзининг маҳоратини намойиш этмоқда.*

*Бундай спортчи ёшларнинг бор имкониятларини юзага чиқариш учун мактабда шароитлар етарли. 856 нафар ўқувчи таълим олаётган мазкур ўқув даргоҳида 4 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси бор. Мактабда спортнинг 12 тури бўйича машғулот ўтказиш учун имкониятлар мавжуд. Айниқса, таэквандо, кураш, футбол, қўл тўпи, шахмат-шашка тўгараклари ўқувчилар билан гавжум. Ёш спортчилардан Нафиса Жўраева, Байрам Алладинов, Комил Суюнов каби ёш спортчилар республика мусобақаларида кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган.*

*Мактабда деярли ҳар куни спорт мусобақалари, тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Спортнинг барча турлари бўйича мактаб ва туман биринчиликлари шу ерда ўтади. Қўшни туман ўқувчилари билан ҳам ўртоқлик учрашувлари тез-тез ўтказилмоқда. Ёш спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳомийлар ҳам жалб қилинган. "Миришкор" фермер хўжалиги бошлиғи Нурмуҳаммад Хўжаев ана шундай мусобақаларда доим ғолибларга шахсий мукофотини топшириради. Жумладан у яқинда мактаб ўқувчиларига 40 минг сўмлик дарслик олиб берди.*

*Бир сўз билан айтганда, Дўстлик туманидаги ушбу мактабда спорт ўйинлари тобора оммалашмоқда, спортчилар сафи ўсмоқда. Бу ўз навбатида ҳар бир оилада умидли ва иқтидорли спортчилар камол топишига замин ҳозирлайди. Улар орасидан келгусида мамлакатимиз шуҳратини жаҳонга танитадиган буюк чемпионлар етишиб чиқса ажаб эмас.*

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Республикамиз ёшларининг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишишлари учун имкониятлар яратилиб, кўплаб ғамхўрликлар қилинмоқда. Бунинг амалий исботи сифатида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ёшлар онгига ёт ғоялар кириб келмаслиги учун дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга кенг кўламда қўллаш юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда Биз бу борада ёшларнинг ҳаётига қизиқиб, Тошкент ҳуқуқшунослик коллежи талабаларининг спорт соҳасидаги фаолиятлари билан танишдик.

Коллеж талабалари 2003 йил май ойида Андижон шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига қизғин тайёргарликни бошлаб юборишган.

— Яқиндагина коллежимизнинг ички мусобақалари якунланди, — дейди биз билан суҳбатда жисмоний тарбия ўқитувчиси Илҳом Тўхтаев, — талабалар билан ишлаш машаққатли ва шарафли. Уларнинг ютуғи бизнинг ютуғимиздир. Тинимсиз изланишлар ва машғулотлар ўз самарасини бермоқда. Пойтахтимизда ўтказилган мусобақаларда талабаларимиз футбол ва волейбол мусобақаларида 2-ўринни, кураш беллашувларида тўрт вазн бўйича 1-ўринни эгаллашди. Қувонарли жиҳати шундаки, коллеж талабаси Шавкат Ражабов кигбоксинг мусобақаларида Республика ғолиби бўлиб, Осиё чемпионатида иштирок этиб қайтди.

Коллежда спортнинг еттита тури бўйича тўгараклар ташкил этилган бўлиб, фарғоначa ва бухороча кураш турларига алоҳида эътибор қаратилган. Талабаларнинг галдаги мақсади "Баркамол авлод' спорт мусобақаларида биринчи ўринларни эгаллаш.

**Азиз НОРҚУЛОВ,**
**ЎзМУ талабаси**

*Tadbir*

# ГИЛАМДА — БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР

*Мана, тўртинчи йилдирки, Шайхонтоҳур туманидаги мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ўртасида "Миллий кураш" бўйича мусобақалар уюштирилмоқда. Туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан туман ҳокимлиги, туман хайрия спорт жамияти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтининг талабалари ҳамкорлигида 4-анъанавий миллий кураш мусобақаси 171-мактабгача таълим муассасасининг спорт залида бўлиб ўтди. Тумандаги 47 та боғчалар ўртасидаги беллашувларда 90 нафар кучли ёш полвонлар иштирок этишди ва ғолиблар ҳал қилувчи финал мусобақаларига йўлланма олдилар.*

*Финал беллашувида рақибининг курагини ерга теккизган 187-боғча тарбияланувчиси Ҳусан Абдуқодиров турнир ғолиби бўлди. II ўрин 229-боғча тарбияланувчиси Абдусамат Агзамовга насиб этди. 241-боғча полвони Абдурасул Мираҳмедов ва 243-боғчада спорт сирларини ўрганаётган Абдуқодир Илёсов III ўринни қўлга киритдилар.*

*Мусобақа вақтида болажонларни ота-оналар, маҳалла фаоллари ва мазкур муассаса мураббийлари қўллаб-қувватлаб, далда бериб туришди. Беллашувга эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтининг II курс талабалари одилона ҳакамлик қилдилар. Бу эса уларнинг амалиётда ўзларини синаб кўришларига, малака ҳосил қилишларига туртки бўлди. Ғолиб ва совриндорлар туман хайрия спорт жамияти совғалари ва дипломлари билан тақдирландилар.*

*Бундай мусобақалар ўсиб келаётган мурғакларнинг спортга иштиёқини ошириш билан биргаликда, уларда соғлом турмуш тарзини таъминлайди. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш шундай беллашувлардан бошланади.*

**Севара АКБАРОВА.**

**Суратларда: мусобақа жараёнидан лавҳалар.**

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ЖАҲОНГА ЮЗ ОЧМОҚДА

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилганлиги бу соҳанинг ривожланишига омил бўлмоқда. Ёшларимиз ўртасида мамлакатимиз шуҳратини дунёга кенг ёяётган халқаро тоифадаги спортчилар етишиб чиқмоқда. Бизнинг Бешариқ туманимизда ҳам барча мактабларда спорт базалари мавжуд. Туман марказида фаолият кўрсатаётган спорт мактаби иқтидорли, спортга қизиқувчи ёшларни ўзига жалб қилган.

Куни кеча Яккатут масканидаги муҳташам маданият уйида "Ўзбекистон спорти жаҳонга юз очмоқда" мавзусида анжуман ўтказилди. Ёшларимиз Ўзбекистон чемпиони Азиз Раҳмонов билан юзма-юз мулоқот қилдилар. "Бешариқ тароналари" ансамбли санъаткорлари ижросида байрам концерти намойиш қилинди. Учрашув байрамона тус олди.

**Маърифат ҒАНИЕВА**

# Соғлом оила

**11 йил мобайнида Ўзбекистон том маънода халқаро спорт ўйинлари, мусобақалар ўтказиладиган давлатга айланди.**

**Жисмоний тарбия ва спортнинг кенг қулоч ёйиб, ривож топаётганлигини анъана тусини олаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби спорт байрамларининг ўтказилишида ҳам кўриш мумкин. Болаларнинг жисмоний тарбияга меҳр ва интилишини уйғотиш учун Президентимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши эса спортга бўлган эътиборнинг яна бир кўринишидир.**

**Сирасини айтганда, болалар спортини ривожлантириш бош концепцияси негизида "Соғлом оила" мусобақаларини шакллантириш масаласи борлиги аҳамиятга молик бўлди.**

**Шунинг учун ҳозирда республикамизнинг барча ҳудудларида "Соғлом оила" мусобақалари ўтказилмоқда. Шундай мусобақалардан бири куни кеча Миробод ХТБга қарашли 506-болалар боғчасида ҳам ўтказилди.**

**Мусобақанинг очилишида сўзга чиққан боғча мудираси Зулфия Калонова:**

**— Бола, аввало, оилада, сўнгра боғчада тарбия топади. Бизнинг мақсадимиз ота-оналар, жамоатчилик билан биргаликда болаларни жисмонан соғлом, маънавий пок ва тафаккури равон қилиб тарбиялашдир, — деб алоҳида таъкидлади.**

**Шундан сўнг мусобақага старт берилди. Мусобақанинг 5 та шартларини яхши бажарган 6 та оила ҳам ғолиб бўлишди. Уларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.**

**Баҳром ҲАМДАМОВ**

***ТУЗАТИШ***

*Газетанинг 2003 йил 26 февраль сони (3-бет)да эълон қилинган "Узоқни кўзлаб..." деб номланган мақоланинг 4-устун, 4-хатбоши, 6-қатори қуйидагича тузатиб ўқилсин:*

***мақсадга мувофиқлиги борасида***

*Ko ‘ngil bitiklari*

## ЁМҒИР ЁҒАР...

**Ёмғир ёғар, ёғади ҳамон,**
**Юрагимга ёғар шу замон.**
**Гар билмаса дардимни менинг,**
**Нечун хун-хун йиғлайди осмон?**

**Истасанг юрагим тутгил сўроққа,**
**У айтсин чокидан сўкилганини.**
**Кўзларимдан сўра, меҳрдан сўра,**
**Айтсин пойингга тўкилганини.**

**Безабон қаламдан сўраб кўр,**
**Айта қолсин юрак дардимни.**
**Сўраб кўр қулоқсиз қоғоздан,**
**Айтсин у туганмас ҳажримни.**

***Ўғилой ҚУВОНОВА,***
***ТДПУ талабаси***

## ҲАЙРАТ

**Беш ярим асрки тинглаймиз сизни,**
**Сўзингиз сеҳрига бўлдик биз шайдо.**
**Қалб ва фикрат яшар шеърга эврилиб,**
**Недан кудратингиз, Навоий бобо?!**

**Шоҳ байтлар тўкилур оппоқ қоғозга,**
**Сел бўлиб оққандек кўк юзи гоҳо.**
**“Ҳамса”ни тунлари кўзимга суртгум,**
**Недан кудратингиз, Навоий бобо?!**

**Ғазаллар битилди неча юз минглаб,**
**Тарихни ўзгартди қанчалаб даҳо.**
**Муқаддас номингиз турар жаранглаб,**
**Недан кудратингиз, Навоий бобо?!**

**Бутун башар сизга айтади таҳсин,**
**Номингиз такрорлаб куйлайди сабо.**
**Фарҳоду Ширинлар яшар элимда,**
**Недан кудратингиз, Навоий бобо?!**

***Зулхумор АЛИМАРДОНОВА***
***Косон тумани***

**ГАВК “Markazsanoateksport” извещает, что 18 марта 2003 года в 15.00 состоится Общее собрание акционеров ГАВК “Markazsanoateksport” по адресу: г. Ташкент, ул. Буюк Ипак йўли, 75.**

**ПОВЕСТКА ДНЯ**

1.Увеличение Установного фонда и приведение в соответствие с Указом Призедента Республики Узбекистан №УП-3202 “О мерах по кардинальному увиличению доли и значения частного сектора в экономике Узбекистана”.

2. Отчет Председателя Правления об итогах финансово-хозяйственной деятелности Компании за 2002г.

3. Отчет Ревизионной комисии о проверке финансово-хозяйственной деятельности Компании за 2002 г.

4. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса Компании, счета прибылей и убытков Компании.

5. О распределении прибыли за 2002 г.

6. Утверждение производственных расходов Компании.

7. Утверждение бизнес-плана развития Компании на 2003 г.

8. Утверждение аудиторской компании ГАВК “Markazsanoateksport” для проведения аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности за 2003 г.

9. Утверждение измененного состава Наблюдательного совета Компании.

**БАЛАНС ГАВК "Markazsanoateksport"**
**(на 1 января 2003 (в тыс. сумах)**

| Наименование показателей | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| **Основные средства:** | | |
| Остаточная стоимость | 66806 | |
| **Нематериальные активы:** | | |
| По остаточной стоимости | 1801 | |
| Долгосрочные инвестиции | 295403 | |
| **Оборотные активы:** | | |
| Производственные запасы | 5556 | |
| Товары | 642 | |
| Расходы будущих периодов | 14710 | |
| Денежные средства | 71925 | |
| Краткосрочные вложения | 29150 | |
| Собственные акции выкупленные | 415 | |
| Дебиторы | 2431844 | |
| **Источники собственных средств:** | | |
| Уставный капитал | | 10000 |
| Добавленный капитал | | 13234 |
| Резервный капитал | | 61440 |
| Нераспределенная прибыль | | 833575 |
| Доходы будущих периодов | | 38159 |
| **Обязательства:** | | |
| Кредиторы: | | 1961644 |
| **БАЛАНС:** | 2918052 | 2918052 |
| Основные данные отчетов финансовых результата на 01.01.2001г. | Доходы | Расходы |
| Чистая выручка от реализации продукции (работ услуг) Стр. 050 | 293900 | |
| Прочие доходы (стр. 100+стр. 120+стр.135+стр.140+стр.145) | 191065 | |
| Производственная себестоимость | | 793 |
| Прочие расходы периода | | 283276 |
| Общий финансовый результат (прибыль или убыток) до уплаты налога на прибыль (170) | 200896 | |
| Чистая прибыль (убыток) Отчетного периода (стр. 2000 | 105331 | |

Достоверность фактов бухгалтерской отчетности подтверждается аудиторской фирмой ЗАО «BAK BALANS» Лицензия № 00024 выдана Министерством финансов Республики Узбекистан от 02.04.01г.

## “МАШҲУРА”

***Бошқотир...ма***

**Тузувчи: Асқарали МАМАТОВ**
**Чортоқ тумани**

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| БАШ | АРА | ЛАШ | КАР | МОН | ИКА | РУС | ЛАН | ГАР | АНГ | ЛАШ |
| | БЕР | | ГУМ | | ИЛА | | БАР | | СОЯ | |
| | МАН | | БАТ | | ОНА | | ЗОР | | ФУР | |
| | ЗУН | | АЛИ | | ТОШ | | АЛИ | | ТОЙ | |
| | ТАҚ | | ЧИЛ | | ҚИН | | ҒИР | | СОЗ | |
| | ҲИС | | ШАН | | САР | | ҲОЛ | | СИЗ | |
| | ШИР | | ЧОЙ | | НАМ | | БЎЙ | | СЕН | |
| | ЗАМ | | ОНА | | ОНА | | ЛАБ | | БАЙ | |
| | БОҚ | | НАР | | САЛ | | ТАН | | ҲАМ | |
| | КЎК | | ҲОЛ | | БОР | | ЗИЛ | | ПАР | |
| | САР | | КАШ | | БАЛ | | ҚИМ | | ЛАБ | |
| | ДАМ | | МАК | | БАТ | | МАС | | МУС | |
| | ОНА | | БИР | | ЧЎП | | ЧАК | | АНД | |
| | КАМ | | ГУЛ | | САР | | ХИЛ | | НОВ | |
| | ҲАР | | КУН | | БАЙ | | ЗИЙ | | ЕТА | |

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув методика маркази 2003 йилнинг март ойида қуйидаги тоифалар бўйича тингловчилар қабул қилади:***

1.Мактабгача таълим муассасаси мудиралари
03.03.2003 й. – 29.03.2003 й.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари
03.03.2003 й. – 29.03.2003 й.
3. Мактабгача таълим муассасаси қисқа муддатли мудиралари
03.03.2003 й. – 14.03.2003 й.
4. Мактабгача таълим муассасаси психологлари:
03.03.2003 й. – 14.03.2003 й.

***Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика маркази ҳисобидан тўлансин.***

***Асос: Республика ўқув-методика марказининг 2003 йил иш режаси.***

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 1993 йилда Рашидхожаева Наиля Сабирхаджаевна номига берилган № 014913 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Ҳ.Гуломовга отаси
**ХУРСАНД отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

**Бош муҳаррир:**
**Ҳалим САИДОВ**

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210.
Тиражи 32240. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ.
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00